Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 46 (6936). ● 7 март, 1979 йил ◆ ЧОРШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

Ўнинчи чақириқ СССР Олий Советига 1979 йил 4 мартда ўтказилган сайлов якунлари тўғрисида Марказий сайлов комиссиясининг

АХБОРОТИ

Марказий сайлов комиссияси ўнинчи чақириқ СССР Олий Советига ўтказилган сайлов якунлари тўғрисида олинган маълумотларни 1979 йил 6 мартда кўриб чиқди ва 1500 сайлов округининг ҳаммасида сайлов СССР Конституциясининг ҳамда СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги қонун талабларига тўла мувофиқ равишда ўтказилганлигини аниқлади.

Мамлакат давлат ҳокимиятининг олий органига сайлов кампанияси ҳамма жойда сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жўш урган вазиятда, партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари режалаштирган топшириқларни бажариш учун кураш белгиси остида ўтди. Сайлов кампанияси совет кишиларининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагида маҳкам жипслашганликларини ёрқин намойиш қилди.

Бўлиб ўтган сайлов СССР янги Конституцияси қабул қилинганидан кейин ўтказилган биринчи сайлов бўлди. Сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш халқнинг ғоят кенг иштирокида амалга оширилди. Миллион-миллион совет гражданлари сайлов комиссияларида, ишончли вакиллар бўлиб, агитатор ва пропагандистлар бўлиб актив ишладилар. Меҳнаткашлар кўп сонли сайлов олди йиғилишларида депутатликка номзодларнинг сиёсий ва ишчанлик фазилатларини эркин ҳамда атрофлича муҳокама қилдилар, уларга наказлар бердилар, давлат, хўжалик ва жамоат ташкилотларининг ишини янада яхшилашга қаратилган мулоҳазалар ва таклифларни айтдилар.

Марказий сайлов комиссияси Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи барча округ сайлов комиссиялари тақдим этган протоколлар асосида умуман мамлакатда СССР Олий Советига ўтказилган сайловнинг узил-кесил якунларини аниқлади.

Сайлаш учун сайловчилар рўйхатига 174.944.173 киши киритилган эди. 174.920.221 сайловчи ёки 99.99 проценти овоз беришда қатнашди.

Иттифоқдош республикаларда ўтказилган сайловда сайловчиларнинг қандай иштирок этганлиги қуйидаги маълумотлар билан характерланади.

Иттифоқдош республикалар	жами сайловчилар	сайловда қатнашганлар	процент ҳисобида
РСФСР	96.836.646	96.816.019	99,98
Украина ССР	35.459.299	35.457.663	99,99
Белоруссия ССР	6.634.114	6.633.805	99,99
Ўзбекистон ССР	7.193.281	7.193.267	99,99
Қозоғистон ССР	8.481.702	8.481.538	99,99
Грузия ССР	3.149.088	3.149.034	99.99
Озарбайжон ССР	3.033.134	3.033.108	99,99
Литва ССР	2.264.840	2.264.678	99,99
Молдавия ССР	2.546.638	2.546.304	99,99
Латвия ССР	1.809.546	1.809.289	99,99
Қирғизистон ССР	1.795.712	1.795.646	99,99
Тожикистон ССР	1.763..680	1.763.620	99,99
Арманистон ССР	1.619.599	1.619.543	99,99
Туркманистон ССР	1.310.167	1.310.139	99,99
Эстония ССР	1.046.727	1.046.568	99,98

ИТТИФОҚ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЯКУНЛАРИ

Иттифоқ Советига сайлов ўтказиш учун СССР территориясида 750 сайлов округи тузилган эди. Барча сайлов округларида сайлов ўтказилди.

Иттифоқ Совети депутатлигига кўрсатилган номзодлар учун 174.734.459 сайловчи овоз берди, бу эса овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг 99,89 процентини ташкил этади. 185.422 сайловчи номзодларга қарши овоз берди. СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги қонуннинг 54-моддасига мувофиқ 32 сайлов бюллетени ҳақиқий эмас деб топилди.

Иттифоқ Советига сайлов вақтида овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРДАН

Иттифоқдош республикалар	Депутатликка номзодлар учун берилган овозлар сони: абсолют рақамларда	процент ҳисобида	Депутатликка номзодларга қарши берилган овозлар сони	Ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сони	Сайланган депутатлар
РСФСР	96.699.321	99,88	116.691	7	32
Украина ССР	35.449.117	99,98	8.546	—	32
Белоруссия ССР	6.630.514	99,95	3.282	—	32
Ўзбекистон ССР	7.190.668	99,96	2.594	5	32
Қозоғистон ССР	8.474.872	99,92	6.664	—	32
Грузия ССР	3.148.820	99,99	214	—	32
Озарбайжон ССР	3.032.855	99,99	156	—	32
Литва ССР	2.264.103	99,97	571	2	32
Молдавия ССР	2.544.687	99,94	1.617	—	32
Латвия ССР	1.807.204	99,89	1.993	8	32
Қирғизистон ССР	1.794.305	99,93	1.339	2	32
Тожикистон ССР	1.763.094	99,97	525	—	32
Арманистон ССР	1.619.372	99,99	171	—	32
Туркманистон ССР	1.309.696	99,97	443	—	32
Эстония ССР	1.041.770	99,54	4.775	16	32
Барча иттифоқдош республикалар бўйича	174.770.393	99,91	149.581	40	400

АВТОНОМ РЕСПУБЛИКАЛАРДАН:

Автоном республикалар	Депутатликка номзодлар учун берилган овозлар сони: абсолют рақамларда	процент ҳисобида	Депутатликка номзодларга қарши овозлар	Ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сони	Сайланган депутатлар
Абхазия АССР	316.718	99,97	85	—	11
Ажария АССР	204.679	99,99	19	—	11
Бошқирдистон АССР	2.435.029	99,85	3.585	—	11
Бурятия АССР	584.472	99,85	885	—	11
Доғистон АССР	823.474	99,97	237	—	11
Кабарда-Балқария АССР	411.140	99,92	317	—	11
Қалмоқ АССР	179.265	99,52	869	—	11
Қорақалпоғистон АССР	392.547	99,99	11	—	11
Карелия АССР	500.134	99,81	964	—	11
Коми АССР	698.385	99,89	757	—	11
Мари АССР	471.180	99,90	457	1	11
Мордва АССР	656.008	99,98	138	—	11
Нахичеван АССР	115.465	100,00	—	—	11
Шимолий Осетия АССР	374.889	99,91	351	—	11
Татаристон АССР	2.256.734	99,59	9.319	—	11
Тува АССР	142.319	99,92	117	—	11
Удмуртия АССР	970.355	99,86	1.390	—	11
Чечен-Ингушия АССР	627.351	99,90	638	—	11
Чувашия АССР	799.474	99,69	2.461	1	11
Якутия АССР	523.041	99,85	788	—	11
Барча автоном республикалар бўйича	13.482.659	99,83	23.388	2	220

АВТОНОМ ОБЛАСТЛАРДАН

Автоном областлар	Депутатликка номзодлар учун берилган овозлар сони: абсолют рақамларда	процент ҳисобида	Депутатликка номзодларга қарши овозлар сони	Ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сони	Сайланган депутатлар
Адигей автоном области	280.364	99,93	201	—	5
Тоғли Олтой автоном области	108.595	99,94	62	—	5
Тоғли Бадахшон автоном области	56.101	99,99	1	—	5
Яҳудийлар автоном области	131.304	99,86	178	—	5
Қорачой-Черкасия автоном области	235.776	99,71	688	—	5
Тоғли-Қорабоғ автоном области	91.144	100,00	—	—	5
Хакасия автоном области	323.534	99,91	305	—	5
Жанубий Осетия автоном области	59.567	99,96	23	—	5
Барча автоном областлар бўйича	1.286.385	99,89	1.458	—	40

АВТОНОМ ОКРУГЛАРДАН:

Автоном округлардан Миллатлар Совети депутатлигига кўрсатилган номзодлар учун 880.034 сайловчи овоз берди, бу эса овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг 99,87 процентини ташкил этади. 1.173 сайловчи қарши овоз берди. Ҳақиқий эмас, деб топилган бюллетенлар бўлмади.

Шундай қилиб, Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи барча сайлов округларида овозга қўйилган номзодлар овозларнинг мутлоқ кўпчилигини олдилар ва депутат қилиб сайландилар. Миллатлар Советига жами 750 депутат, шу жумладан: иттифоқдош республикалардан 480 депутат, автоном республикалардан 220 депутат, автоном областлардан 40 депутат ва автоном округлардан 10 депутат сайланди.

Марказий сайлов комиссияси СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги қонуннинг 58-моддасига мувофиқ, 1500 сайлов округининг ҳаммасидан ўнинчи чақириқ СССР Олий Советига сайланган депутатларни рўйхатга олди, шу жумладан, Иттифоқ Советига 750 депутат ва Миллатлар Советига 750 депутат сайланди.

Депутатлар составида 522 ишчи ёки 34,8 процент, 244 колхозчи ёки 16,3 процент, ишчилар билан колхозчилар жами 766 киши ёки 51,1 процентдир. Депутатлар орасида КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлар 1075 киши ёки 71,7 процент, партиясизлар 425 киши ёки 28,3 процент, хотин-қизлар 487 киши ёки 32,5 процентдир. Еши 30 га етмаган депутатлар 317 киши ёки 21,1 процент, ВЛКСМ аъзолари 207 киши ёки 13,8 процентдир.

СССР Олий Советига ўтказилган сайлов якунлари, мамлакат давлат ҳокимиятининг олий органига Коммунистлар билан партиясизлар мустаҳкам блокининг номзодлари, якдиллик билан сайланганлиги — партия билан халқнинг монолит бирлигини, меҳнаткашлар КПСС билан совет давлатининг ички в ташқи сиёсатини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаётганлигини кўрсатувчи янги ёрқин далилдир. Сайлов жаҳонда биринчи ривожланган социализм жамиятининг чуқур демократизмини, меҳнаткашлар коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида янгидан-янги муваффақиятларга сабот-матонат билан эришишга қатъий аҳд қилганликларини яққол кўрсатди.

Ўнинчи чақириқ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советига қуйидаги депутатлар сайланди:

(Давоми 2-бетда).

ДЎСТОНА ВИЗИТ БИЛАН

Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Янош Кадар КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан дўстона визит билан 5 март куни Москвага келди. ВХР ва СССР давлат байроқлари билан безатилган Белоруссия вокзалида Янош Кадарни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети секретари К. В. Русаков, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзолари А. И. Блатов ва В. М. Фалин, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида ВХРнинг СССРдаги элчиси М. Сюреш бор эди.

(ТАСС).

АЛОҲИДА КИТОБЧА ҚИЛИБ ЧИҚАРИЛДИ

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг 1979 йил 2 март куни Москва Бауман сайлов округи сайловчилари билан учрашувда сўзлаган нутқи алоҳида китобча қилиб чиқарилди.

Китобчани Сиёсий адабиёт нашриёти кўп нусхада нашр этди.

(ТАСС).

СОЦИАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯ ТАНТАНАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРДАН СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ МИЛЛАТЛАР СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗГАН САЙЛОВ КОМИССИЯСИДАН

СССР Олий Советига сайлов бутун мамлакат каби республикамиз меҳнаткашлари учун ҳам ёрқин байрам, социалистик демократиянинг чинакам тантанаси куни бўлди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг СССРдаги барча сайловчиларга, гражданларга Мурожаатида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Москва шаҳар Бауман округи сайловчилари билан учрашув вақтида сўзлаган нутқида баён этилган партия сайлов платформасини зўр мамнуният билан қабул қилдилар. Бу платформа мамлакатни муттасил ривожлантиришни ва халқнинг турмушини яхшилашни, социалистик демократияни тобора ривожлантиришни, СССР халқларининг қардошларча дўстлигини мустаҳкамлашни, СССРнинг мудофаа қудратини оширишни, ер юзида мустаҳкам тинчликни таъминлашни кўзда тутади. Ҳар бир совет граждани партиянинг коммунистлар билан партиясизлар блоки номзоллари учун овоз бериш ҳақидаги оташин даъватини чин кўнгилдан маъқуллади.

Шунингдек бутун совет халқи билан биргаликда Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам Совет Иттифоқи Коммунистик партияси теварагида, унинг ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитети, Марказий Комитет Сиёсий бюроси теварагида маҳкам жипслашганлигини яна бир бор намойиш қилдилар.

СССРнинг янги Конституцияси қабул қилинганидан кейин биринчи марта ўтказилган бу сайлов гражданларнинг социал-иқтисодий сиёсий ва шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини кенгайтирди ва бойитди, ҳамма соҳаларда совет кишиларининг активлигини янада кучайтириб юборди. Бу сайлов ҳақиқатан умумхалқ ишига айланди. Республикамизнинг юз мингларча гражданлари сайловга тайёргарлик кўришда ва уни ўтказишда қатнашдилар. Улар сайлов комиссияларида актив иш олиб бордилар, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари бўлдилар, агитатор ва пропагандист бўлиб хизмат қилдилар. Меҳнаткашлар кундан-кун йиғилишларда депутатликка кўрсатилган номзодларнинг сиёсий ва ишчанлик фазилатларини эркин ва ҳар томонлама муҳокама қилдилар, уларга наказлар бердилар, давлат органлари, хўжалик ва жамоат ташкилотларининг ишини янада яхшилашга қаратилган мулоҳаза ва таклифларини айтдилар.

Ўзбекистон ССРдан СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказган сайлов комиссияси мамнуният билан шуни қайд этадики, бу сайлов кампанияси сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати ғоят ўсган бир вазиятда партиянинг XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль ва ноябрь Пленумлари қўйган буюк вазифаларни бажариш учун кураш шиори остида ўтди. Республикадаги мингминглаб меҳнат коллективлари ишлаб чиқаришда катта муваффақиятларга эришдилар, 1979 йил плани ва мажбуриятларини ҳамда умуман беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун яхши замин вужудга келтирдилар.

Республика меҳнаткашлари сайлов куни юксак уюшқоқлик ва сиёсий активлик намуналарини кўрсатдилар. Сайловчиларнинг ғоят кўпчилиги кунинг биринчи ярмидаёқ гражданлик бурчини бажарди. Оммaнинг юксак активлиги, овоз бериш вақтида тўла якдиллик вазияти барча меҳнаткашлар партия ва Совет ҳукуматининг ички ҳамда ташқи сиёсатига чексиз ишонч билан қараб, бу сиёсатни астойдил қўллаб-қувватлаётганлигини исбот қилади.

Республикада овоз бериш вақтида рўйхатга олинган сайловчиларнинг 99,99 проценти қатнашди.

Сайлов якунлари коммунистлар билан партиясизларнинг бузилмас блоки яна галаба қозонганлигини яққол кўрсатиб турибди. 7.190.668 сайловчи, ёки овоз беришда қатнашган кишиларнинг 99,96 проценти Ўзбекистон ССРдан СССР Олий Советининг Миллатлар Совети депутатлигига кўрсатилган номзодлар учун овоз берди. Шу тарика, номзодларнинг ҳаммаси овозларнинг мутлақ кўпчилигини олди ва СССР Олий Советига депутат қилиб сайланди.

Сайлов СССР Конституциясига ва СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Қонунга тамомила мувофиқ равишда ўтказилди. Сайлов комиссияси сайлов ҳақидаги Қонунининг бузилганлиги ёки сайлов комиссияларининг нотўғри ҳатти-ҳаракатлари тўғрисида ҳеч қандай шиқоят ва ариза олмади.

Сайлов комиссияси Ўзбекистон ССРдан овозга қўйилган номзодларни СССР Олий Совети депутатлари қилиб сайланиши билан самимий табриклайди, уларнинг юксак давлат фаолиятида катта муваффақиятларга эришувини тилайди.

Комиссия СССР Олий Советига сайловни муваффақиятли ўтказишга қаратилган оммавий-сиёсий ва ташкилий техникавий тадбирларни амалга оширишга ёрдам берган округ ва участка сайлов комиссияларининг барча аъзоларига, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимларига, матбуот, телевидение ва радио, адоқа корхоналари, маданият муассасалари ва бошқа идораларнинг ходимларига миннатдорчилик изҳор қилади.

Ўзбекистон ССРдан СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказган сайлов комиссияси.

Л. И. БРЕЖНЕВ БИЛАН Я. КАДАР ЎРТОҚЛАРНИНГ УЧРАШУВИ

Суратда: Учрашув пайти.

В. Мусаэльян ва Э. Песов фотоси. ТАСС фотохроникаси.

6 март куни Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев дўстлик визити билан Совет Иттифоқига келган Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Кадар билан учрашди.

Суҳбат давомида Л. И. Брежнев ва Я. Кадар ўртоқлар Совет Иттифоқи билан Венгрия ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик муваффақиятли ривожланиб бораётганлигини, КПСС билан ВСИП ўртасидаги мустаҳкам алоқалар бунга жуда катта ёрдам бераётганлигини мамнуният билан таъкидладилар. Тажрибаларни кенг кўламда айирбошлаш, Марказий Комитетлар ўртасидаги доимий мулоқат, олий даражадаги мунтазам учрашувлар ҳар икки партиянинг фаолиятини бойитмоқда, СССР билан ВХР олдида ўртага қўйилаётган проблемаларни уйғун ва ўзаро мақбул асосда ҳал этиш имкониятини тўғдирмоқда.

Учрашув вақтида иқтисодий соҳада Совет — Венгрия алоқаларини ривожлантиришнинг истиқболли масалалари кўриб чиқилди. Икки томонлама асосда ишлаб чиқаришни кооперациялаш ва ихтисослаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, шунингдек Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида ҳамкорликнинг тармоқлари бўйича узоқ муддатга мўлжалланган программаларни амалга ошириш Совет Иттифоқи ва Венгриянинг экономикасини янада юксалтириш учун, бутун социалистик ҳамдўстликнинг иқтисодий потенциалини мустаҳкамлаш учун қудратли асос вужудга келтиради, деб ишонч билдирилди.

Л. И. Брежнев ва Я. Кадар Совет Иттифоқи билан Венгрия социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар билан ва ҳозирги пайт учун масъулиятли англаётган барча кучлар билан биргаликда жаҳондаги сиёсий иқлимни соғломлаштиришга эришишга қатъий қарор берганликларини таъкидладилар. Стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги Совет — Америка музокаларини муваффақиятли тугаллаш шу манфаатларга мос бўлиб тушган бўлур эди.

Варшава шартномаси ташкилоти сиёсий маслаҳат комитетининг Москва декларациясида илгари сурилган программа нескинликнинг юмшатилишини чуқурлаштиришга ва қуролсизланиш сари бурилиш ясашга қаратилган. Бу программани ривожлантириш соҳасидаги янги ташаббусларни амалга оширишга эришиш, яъни Умумевропа кенгаши қатнашчилари ўртасида бир-бирига қарши биринчи бўлиб ядро қуролларини, шунингдек оддий қуролларни ишлатмаслик тўғрисида шартнома тузиш, ишончли мустаҳкамлаш борасида янги талаблар тўғрисида келишиб олиш ҳам муҳимдир.

Л. И. Брежнев ва Я. Кадар ўртоқлар актуал халқаро проблемалар юзасидан фикрлашиб олиш вақтида Жануби-Шарқий Осиёдаги вазиятга алоҳида эътибор бердилар.

Совет Иттифоқи билан Венгрия Хитойнинг Вьетнам Социалистик Республикасига қарши агрессиясини қатъиян қоралайдилар ва Вьетнам Социалистик Республикаси билан амалдаги бирдамликни ўзларининг интернационал бурчи, деб ҳисоблайдилар. Вьетнам ўз мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш билан тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш учун, халқларнинг ўз тараққиёт йўлини мустақил танлаб олиш ҳуқуқларини қарор топтириш учун курашмоқда. Шу сабабли, Вьетнам халқига ёрдам бериш — тинчлик, озодлик ва адолат учун курашаётган кучларнинг муштарак вазифасидир.

Эндиликда Пекин ВСРга бостириб кирган Хитой қўшинлари ўз мамлакати чегарасига қайтарила бошланди, демоқда. Бундай қарор соф виждон билан амалга оширилган тақдирда уни Хитой арбобларининг ҳушга келиш белгиси деб ҳисоблаш мумкин бўлур эди. Аммо Вьетнамга қилинаётган тақдидлар ва берилаётган ультиматумлар, Хитойнинг янги агрессия қилиш ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги мисли кўрилмаган талабни ўртага қўйишига на ҳожат бор. Хитой қўшинларини сўзсиз ва бутунлай олиб чиқиб кетиш, чегаларда Вьетнамга қарши ҳужумларнинг тўхтатишгина бу районда типч вазиятни вужудга келтиришга мумкин.

Ўртоқ Я. Кадар ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги СССР партия — ҳукумат делегациясининг расмий визит билан Венгрияга келишга таклиф этганлигини таъкидлади. Ўртоқ Л. И. Брежнев ўртоқ Я. Кадарга миннатдорчилик изҳор қилди ва Совет томони эўр истак билан бу таклифдан фойдаланажагини айтди.

Л. И. Брежнев ва Я. Кадар ўртоқларининг учрашуви самимий, дўстона вазиятда ўтди ва муҳокама этилган барча масалалар юзасидан ҳар икки томонининг қараштлари тамомила бир хил эканлигини кўрсатди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов қатнашдилар.

(ТАСС).

ИТТИФОҚ СОВЕТИГА: ЎЗБЕКИСТОН ССР

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАН

[Бошы 1-бетда].

Икромова Турсуной Ортиқбоевна, Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик совхозининг техникумининг ишчиси. Янгийўл округи.

Корниенко Георгий Маркович, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари. Чирчиқ округи.

Қулматова Дилбар Баратовна, Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси. Тошкент — Ленин округи.

Ломоносов Владимир Григорьевич, СССР Меҳнат ва социал масалалар Давлат комитетининг раиси. Ангрен округи.

Маклеева Тамара Дмитриевна, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг асбоб. ускуналар бўйича электриги. Тошкент — Киров округи.

Мусахонов Мирзаҳамуд Мирзараҳмонович, Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг биринчи секретари. Калинин округи.

Патоличев Николай Семёнович, СССР ташқи савдо министри. Тошкент — Чилонзор округи.

Саматова Мавжуда Сандовна, Октябрь районидаги Ойбек номли 115-ўрта мактаб ўқитувчиси. Тошкент — Октябрь округи.

Соснов Иван Дмитриевич, СССР Транспорт қурилиши министри. Бўка округи.

МИЛЛАТЛАР СОВЕТИГА: ЎЗБЕКИСТОН ССРдан

Абдулакимова Хубажамол, Сурхондарё область Термиз районидаги «Қизил юлдуз» колхозининг аъзоси. Термиз округи.

Абдуллаева Мелихон Файзуллаевна, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли Наманган шойи газламалар комбинатининг йигирувчиси. Наманган округи.

Алиев Эшвер, Тошкент область Ғалаба районидаги Ўзбекистон ССР беш йиллиги номли тажриба хўжалигининг механизатори. Янгийўл округи.

Боймиров Тўхтамиш, Ўзбекистон Компартияси Жиззах область комитетининг биринчи секретари. Жиззах округи.

Бекниёзова Ўтабека, Нукус шаҳридаги 1-поликлиниканинг участка врачи. Нукус округи.

Войкина Вера Николаевна «Электрохимпром» Чирчиқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг аппаратчиси. Чирчиқ округи.

Донбаев Қувониш, Бухоро область Тоғди районидаги «Авангард» совхозининг ишчиси. Бухоро қишлоқ округи.

Исмонлова Санам, Хоразм область Шовот районидаги Киров номли колхозининг аъзоси. Ургенч округи.

Кан О Нам, Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз аъзоси. Ангрен округи.

Каримов Абдухолиқ, Ўзбекистон компартияси Сурхондарё область комитетининг биринчи секретари. Денов округи.

Кириллин Владимир Алексеевич, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Фан ва техника давлат комитетининг раиси. Андижон округи.

Крикунова Иранда Павловна, КПСС XXV съезди номли Самарқанд суперфосфат заводининг аппаратчиси. Самарқанд шаҳар округи.

Мамадиёров Усмон, Самарқанд область Нарпай районидаги Ислом шоир номли совхоз механизатори. Каттақўрғон округи.

Муқимова Шарифа, Бухоро область Ғиждувон районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзоси. Навоий округи.

Нўъмонов Комил (Яшин), ёзувчи, Ўзбекистон ССР ёзувчилар союзи правлениесининг раиси. Марғилон округи.

Нуриллаева Гулбаҳор Саидмуродовна, механизатор. Қашқадарё область Қамаши районидаги «Коммунизм йўли» колхозининг маккажўхорикор бригадаси бошлиғи. Шаҳрисабз округи.

Рашидов Шараф Рашидович, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, КПСС Марказий Комитети сиёсий бюроси аъзолигига кандидат. Тошкент-Октябрь округи.

Содиқов Обид, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти. Булунғур округи.

Содиқов Қурбонали Ғуломович, Олмалиқ химия заводининг директори. Бўка округи.

Сербин Иван Дмитриевич, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири. Тошкент-Ленин округи.

Теребилов Владимир Иванович, СССР Юстиция министри. Қўқон округи.

Тилавов Амирқул, «Ўзбекнефтигазгеология» бирлашмаси ҳисор олди нефть газ разведка экспедициясининг пармаловчиси. Қашқадарё область. Қарши округи.

Турғунова Офтобхон, Андижон область Бўз районидаги Тельман номли колхозининг тракторчиси. Избоскан округи.

Турсунов Хурсанд, Андижон область Ленин районидаги «Правда Востока» колхозининг раиси. Ленин округи.

Умаров Учқун, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари. Тошкент — Чилонзор округи.

Умаров Ҳамдам, Ўзбекистон Компартияси Фарғона область комитетининг биринчи секретари. Ленинград округи.

Ҳайдуров Виктор Алексеевич, Ўзбекистон Компартияси Сирдарё область комитетининг биринчи секретари. Ғулистон округи.

Ҳамроева Мунаввар Бойжуродовна, бригада бошлиғи, Бухоро область Свердлов районидаги Гагарин номли колхоз пахта териш машинасининг механик ҳайдовчиси. Бухоро шаҳар округи.

Худойқулиев Салой, механизатор, Хоразм область Ҳазорасп районидаги Фрунзе номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи. Хива округи.

Шарипов Абдусаттор, механизатор, Наманган область Косонсой районидаги «Дўстлик» совхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи. Чортоқ округи.

Шербўтаев Муса, Ўзбекистон Компартияси Қува район комитетининг биринчи секретари. Фарғона округи.

Юсупов Жониқул, Самарқанд область Пастдарғом районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси. Самарқанд қишлоқ округи.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ҲАҚИДА ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ

1979 йил, 6 март.

* * *

СССР Олий Советига сайланган депутатларнинг тўлиқ рўйхати «Правда» ва «Известия» газеталарида эълон қилинади.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, 1978 йил планини муваффақиятли бажариш учун ўтказилган Бутииттифоқ социалистик мусобақаси якунлари бўйича КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети Бутииттифоқ Касаба Союзлари Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитети Ўзбекистон ССРни социалистик мусобақа голиби деб топди. Республика КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг қарорида Тошкент области ва Тошкент шаҳри, бир қатор районлар, ишлаб чиқариш коллективлари меҳнаткашларининг хизматлари ҳам тақдирланди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқларини топшириш тантаналари бўлиб ўтди.

Мукофотларни:

Тошкент районига — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов;

«Ўзбекшахтострой» трести коллективига — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани Раиси Қ. А. Аҳмедов;

область суғориш тармоқлари бошқармаси коллективига — Тошкент область ижроия комитетининг раиси Т. А. Алимов;

«Узпромвентиляция» трести коллективига — Тошкент область ижроия комитети раиси Т. А. Алимов;

«Алмаликсвинец с т р о й» трести коллективига — Тошкент область партия комитетининг секретари Ф. Г. Потуремский;

Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинатига — Тошкент область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев;

Тошкент грампластинкалар заводи коллективига — Тошкент область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев;

Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози коллективига — Тошкент область партия комитетининг секретари А. И. Икромов;

Тошкентдаги 4-нон маҳсулотлари комбинати коллективига — Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров;

Тошкент ёғ-мой комбинати коллективига — Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари М. Ф. Солдатов;

«Узсельтрансспецстрой» трести коллективига — Тошкент шаҳар Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари С. У. Султонова;

«Ташсельмаш» заводи коллективига — автомобиль, трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг секретари А. В. Видяпин ўртоқлар топширдилар.

БИЛИМ ВА ТАЖРИБАЛАРНИ ОММАЛАШТИРАЙЛИК

ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТЛАРИГА КЕНГ ЙЎЛ

ХАЛҚ университетлари... Меҳнаткашлар ўртасида билим ва илғор тажрибаларни кенг оммалаштирувчи маърифат ўчоқлари сифатида катта фаолият кўрсатаётган намунали халқ университетлари республикамизда оз дейсизми?- Жамоатчиликнинг яқин ёрдамига таянган ҳолда ўз машғулотларини олиб бораётган бундай знёбахш муассасаларни эндиликда ҳар бир саноат корхонасида, йирик маданият ўчоқлари ва муассасаларда учратиш мумкин.

— Маърифат ўчоқларига бўлган қизиқиш жуда катта, —дейди Ўзбекистон ССР халқ университетлари Совети раисининг ўринбосари С. Қурбонов.— Тингловчиларнинг таклиф ва истакларига биноан кейинги уч-тўрт йил ичида жойларда талайгина университетлар очилди.

Уларда билимларнинг деярлик 40 та соҳаси бўйича машғулотлар олиб борилмоқда. Қатнашаётган тингловчилар сони эса бугунги кунга келиб 273 минг кишидан ортиб кетди.

Техника-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқ билимлари бўйича машғулотлар олиб бораётган халқ университетлари фаолияти кенгайиб кетди. Шаҳримиздаги Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузурида очилган халқ университети ҳам бой тажриба тўплади. Ў техника-экономика билимларининг чинакам тарғибот марказига айланиб қолди.

Бирлашманинг конструкторлик бюроси ташаббуси билан ташкил этилган бу даргоҳ ўзининг тематик иш плани ва бой ўқув программасига эга. Айниқса, машғулотларда билимларни амалиётда кенг қўллаш масалаларига катта аҳамият берилмоқда. Бу эса корхонада ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда ўзининг яхши натижасини бераётир.

Тингловчилар ўз касб-ҳунарлари бўйича ҳам билим ва қўшиқмаларга эга бўлишмоқда. Машғулот қатнашчиларининг аксарияти ихтирочи ва рационализаторлар сафидан ўрин олди. Техника тараққиётининг бу жонкуярлари ўз таклиф ва янгиликлари билан корхонага 246 минг сўмлик иқтисодий фойда келтирдилар.

ИЖТИМОИЙ-сиёсий билимлар йўналиши бўйича иш олиб бораётган халқ университетларининг кўпи ўз машғулотларини лекторлик маҳоратини ошириш масалаларига қаратмоқда. Бундай маърифат ўчоқлари икки йиллик ўқув программаси асосида фаолият кўрсатмоқда. «Билим» жамиятлари область ташкилотлари ҳузурида ташкил этилган ижтимоий-сиёсий халқ университетларида тўпланган тажрибаларни жойларда кенг оммалаштириш мумкин.

Тошкентдаги лекторлар маҳорати шаҳар халқ университети ана шундай намунали масканлардан биридир. Бу ерда машғулотлар тингловчиларнинг мустақил ишлари асосида ташкил этилади. Улар ҳар бир навбатдаги машғулотга қандайдир бир янгилик билан келишади. Реферат тайёрлаш жараёнида тингловчилар қўпгина манба ва адабиётларга мурожаат қиладилар. Лекторлик маҳоратининг ўзига хос «сир»лари билан яқиндан танишадилар. Қилинган докладлар бўйича ўзаро фикр алмашинади.

Суҳбат давомида қишлоқ хўжалиги билимлари халқ университетларида бугунги кунда қилинаётган ибратли ишлар билан ҳам яқиндан танишдик. Кейинги йилларда бу хил маърифат ўчоқлари ўқув-методик адабиётлар билан тўла таъминланди.

Машғулотларни олиб бориш учун малакали мутахассислар, тажрибали олим ва агрономлар таклиф қилинди.

Бундай университетлар сони 100 дан ортиб кетди. Уларга 16 мингдан ортиқ дала меҳнаткаши тингловчи этиб қабул қилинган. Оққўрғон районида ишлаб турган қишлоқ хўжалиги билимлари халқ университети ректорати томонидан тайёрланган ўқув программаси тематик қамрови жиҳатидан бой план сифатида маъқулланди. «Механизатор нималарни билиши керак?», «Техника ижодкорлари орамизда», «Пахтачилик ва механизация», «Сара уруғ — ҳосил бўлиқ» каби мавзуларга бағишланган машғулотлар жуда қизиқарли ўтди. Халқ университети факультетлари ўз илғор тажрибалар бурчагига ҳам эга.

Мазкур билим ва тажриба маскани фаолияти асосида областимизнинг бошқа районларида механизаторлар университетлари очилди. Дала гвардиячилари маҳорати мактабларига қишлоқ хўжалиги институтлари ва илмий муассасалари олимлари ҳар томонлама амалий ёрдам бериб турибдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ илмий-текшириш институти олимлари эса шаҳримизда очилган илмий атеистик ва ҳуқуқ билимлари халқ университетлари билан яқин алоқа боғлаганлар. Киров районидаги «Бодомзор» маҳалласидаги халқ университети тингловчилари ҳам бу илмий муассаса ходимлари ҳимматидан мамнундирлар. Маҳалла аҳолиси ўртасида ўқилган лекциялар, ўтказилган саволжавоб кечалари кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Республика илмий-атеизм уйи ҳузурида кўпдан бери ишлаб келаётган халқ университетида тўпланган тажрибалар жойларда кенг ёйилди. У эндиликда илмий атеистик билимларнинг амалий-методик марказига айланган. Лекторлар «Бодомзор» маҳалласида ҳам мазмунли суҳбатлар билан чиқдилар.

— Халқ университетлари советлари ва ўзаро ҳамкорлик кенгашлари олдида муҳим вазифалар турибди,— дейди ўртоқ С. Қурбонов.— Бой тажрибаларни алмаштиришда, университетлар учун тавсияномалар ишлаб чиқишда уларнинг роли ва иштироки катта бўлмоғи лозим. Иш билан бирга машғулотларнинг ташкил этиш формаларига турли методик усулла ёндошиш даркор. Семинар ва конференциялар ўтказиб туриш, рефератлар, курс ва диплом ишларини ҳимояга тайёрлаш сингари мустақил ишларни ташкил этиш тингловчиларнинг машғулотларга бўлган қизиқишини янада оширади. Халқ университетлари советлари ана шу масалаларга ҳам жиддий аҳамият беришлари даркор.

Шуни ҳам айтиш керакки, жойларда ўқув-тематик программалар етишмайди. Таълимнинг техника воситаларига ва улардан фойдаланишга оид қўлланмаларга бўлган талаб катта.

Шу сабабли бу соҳада кўп иш қилиниши лозим. 1977—1980 йиллар учун тузилган перспектив планда бу ва шунга ўхшаш бошқа ўқув ишлари ўз ифодасини топди. Бу планга мувофиқ 1980 йилда халқ университетлари сони 2.660 тага етади. Тингловчилар эса 290 минг кишидан ортади.

Тингловчиларнинг билимларга, илмий-техника янгиликларига бўлган қизиқишлари катта. Уларни ана шу бой манбалардан баҳраманд қилиш учун халқ университетлари янада ижодий ғайрат кўрсатиб меҳнат қиладилар.

А. АЛИЕВ.

ХАЛҚЛАР ҚАРДОШЛИГИНИНГ ТАРОНАСИ

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг сайловолди йиғилишида сўзлаган ёрқин ва илҳомбахш нутқида ленинча миллий сиёсатнинг амалга оширилиши, мамлакатимиздаги барча халқларнинг дўстлиги ва қардошлиги натижасида ҳамма совет республикаларининг мисли кўрилмаган даражада равнақ топганлиги ҳақида гапирилади.

Мен Тянь-Шань тоғларидаги кичик Чадоқ қишлоғида туғилиб ўсганман — илгари бу ерда одамлар «Саноат» сўзининг нима эканини ҳам билмас эдилар. Эндиликда эса бу ерда саноатлашган посёлка қад кўтарди. Посёлка аҳолиси кўп миллион кишилик мамлакатимиз янада бадавлат ва қудратлироқ бўлиши учун асл металл — олтин қазиб чиқараётган замонавий корхонада меҳнат қилмоқда. Биз, Чадоқ конининг ишчилари тармоқнинг бошқа меҳнатчилари билан биргаликда Ватан учун ғоят зарур бўлган ана шу маҳсулотни ишлаб чиқариш йўлида, у умуминиттифоқ дастурхонида социалистик Ўзбекистонни муносиб намоён этиши йўлида қўлимиздан келган ҳамма ишларни қиламиз. Мен СССР Олий Советига бўлиб ўтган сайловда ўз ўртоқларим билан биргаликда коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун, ҳаётимизнинг янада равнақ топиши учун, совет халқларининг интернационал қардошлиги учун, бутун дунёда тинчлик бўлиши учун овоз бердим.

М. МАҲКАМОВ,
Чадоқ конининг проходкачиси, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва «Шахтёрлик шуҳрати» нишони кавалери.

МУСОБАҚА САМАРАСИ

Социалистик мусобақа самараси республика Яйлов-мелиорация қурилиш бирлашмасининг Тошкент механизациялашган кўчма колоннасида яққол кўзга ташланади.

Ўтган йилда пудрат ишлари плани муддатидан 2 ой илгари бажарилди. Планга қўшимча равишда 373 минг сўмлик қурилиш монтаж ишлари амалга оширилди.

Ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йили мусобақасида Пашалишвили етакчилик қилаётган участка қурувчилари пешқадамлар сафида бормоқда.

Злобин методида ишлаётган тажрибали қурувчи Т. Фатихов бошлиқ водопроводчилар бригадаси коллективи ҳурмат билан тилга олинади. Улар зарблар йилда 10 дан зиёд водопровод линиясини қуриб ишга туширдилар. Бирнеча бор бригадаларарО мусобақада голиб бўлишди. Ш. Абдушев, А. Смирнов каби ишчилар ҳамкасбларига намуна бўлмоқдалар.

И. НЕЪМАТУЛЛАЕВ.
Калинин райони.

Нина Ризанова алоқачилик касбини пухта эгаллаган, ўз касбига меҳр қўйган ишчан ходим сифатида танилган. Ғалаба районидаги Солдатский алоқа бўлимида меҳнат қилаётган Н. Ризановадан абонентлар доимо хурсанд. Суратда: Н. Ризанова иш устида.

Ж. Тўраев фотоси.

БИР ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИ

ТУЙТЕПА тикувчилик фабрикаси коллективи зиммадаги план-топшириқларини йил сайин ортиғи билан бажариб келмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бораяпти. Шуниси қувончлиқи, фабрикада районда биринчи бўлиб Сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди.

Коллектив аъзоларининг сифат ва самарадорлик беш йиллигининг тўртинчи йилида қўлга киритаётган ютуқлари ҳам қувончли бўлмоқда. Январь ойида маҳсулот реализация қилиш плани 102 процент адо этилди. Меҳнат унумдорлиги ҳам ошмоқда. Бу ютуқларнинг ҳаммаси ишчи-хизматчиларнинг аҳиллиги, дўстлиги, ўзаро ҳамкорликда иш юритишлари туфайли юзага келмоқда.

Фабрика коллективи интернационал. 20 га яқин миллат вакиллари ёнма-ён меҳнат қилаётир. Улар ўртасидаги дўстлик, аҳиллик коллектив олдида турган вазифаларни адо этиш учун курашда тобора мустаҳкамланмоқда.

Ҳар бир цех ва бригадани интернационал коллектив деб аташ мумкин. Раъно Пирмуҳамедова, Алла Хон, Сония Яфарова, Анифе Сулаймонова, Муҳаббат Кикинадзе, Фотима Бойжонова, Римма Фарғадова каби турли миллат вакиллари пешқадамлардан саналади. Улар ўз ишлаб меҳнатлари билан ҳамкасбларга ҳурмат-эътиборини қозонишган.

Коллектив аъзолари КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленуми қарорларига жавобан иш суръатини авж олдирмоқдалар.

Ж. ҚУРБОНБЕКОВ,

ИЖОДИЙ ЖАСОРАТ

МУНАҚҚИД МУЛОҲАЗАЛАРИ

Ёзувчи Комил Икромов «Правда» газетасининг 1978 йил 14 декабрь сонида босилиб чиққан мақоласида ўзбек пахтакорларининг «оқ олтин» учун кураш майдонида беқиёс заҳматлар чекиб, мисли-сиз жасорат кўрсатаётганлигини ички дард билан ғурурланиб сўзлайди ва диққатимизни қуйидаги ҳолатга жалб қилади: теримнинг қизғин палласида фақат тонналаб хирмон кўтарганлар қаҳрамон деб эзозланса, сўнгги пайтларда, ноябрнинг иккинчи ўн кунлигидан то декабрнинг ярмигача давлатга атиги килограммлаб ҳосил армуғон этганлар ҳам олқишларга сазовор бўлди.

Бундай вазиятни табиат қийинчиликлари вужудга келтиргани ҳеч кимга сир эмас, бироқ теримнинг муайян шиддат билан муваффақиятли давом этиб, ўз вақтида туғалланишини таъминловчи мавжуд имкониятлар ишга тўла сафарбар этилдими, қўёш кулиб боққан чоғларда барча воситаларидан оқилона фойдаланилдими, пахтакорларимиз меҳнатини енгиллатишга қаратилган тадбирлар моҳирона амалга оширилдими, илм, фан, техника ресурслари эҳтиёжларимизга яраша қўлланилдими, ҳар жойда маҳаллий шарт-шароит мураккабликлари, мавжуд афзалликлари эътибордан соқит қилинмадими, хуллас, ҳаммамиз қўлимиздан келадиган чораларни кўриб, деҳқоннинг мушкулини осонлаштиришга етарли улушимизни қўшдикми, деган бир қанча саволлар кетидан яна саволлар туғилаверадики, улар устида ўз соҳаларининг мутаассиблиги эмас, балки ёзувчиларимиз ҳам бош қотирмоқдалар, ўзларича жавоб ахтармоқдалар.

Тўғри, ёзувчиларнинг жавоблари вазиятни яшин тезлигида тубдан ўзгартиролмайди, ўзгартиришга даъвО ҳам қилмайди, аммо ўзгартиришга туртки беради, маънавий замин ҳозирлайди. Айниқса, қишлоқ ҳаётини, «оқ олтин» етиштирувчилар турмушини чуқур тадқиқ этиш натижасида юзага чиқадиган маънавий замин — коммунистик партиявийлик руҳи билан суғорилиб, бадиий етуклик даражасига кўтарилган ғоятда баркамол асарлар яратишга интилиш кундан кунга кучайиб бораётгани қувонарлидир. Интилиш самаралари кўпроқ публицистик чиқишларда, очеркчиликда кўринмоқдаки, Комил Икромовнинг юқорида эслатилган мақоласи улардан бир намунадир.

Мазкур мақолада Ўзбекистонимиздаги «оқ олтин» учун кураш жараёни мураккабликлари, қийинчиликлари билан тавсифланади, юртимизда катта-ю кичик, ёшу қари кечани кеча, кундузни кундуз демай ҳосил «жанги»га отлангани рўёи рост айтилади.

Қузатишлар, мулоҳазалар, суҳбатлар, учрашувлар «пахта» сўзи билан бошланиб, «пахта» билан якунланганликларини айтмайсизми! Тушимизда ҳам, ўнгимизда ҳам пахта билан бирга бўлганимизни-чи! Шунинг учун ижодкорларимиз фаолияти «Ўзбекистон «оқ олтиннома»сини яратишга қаратилгани табиийдир. Айниқса, бу борада Шараф Рашидовнинг етакчилик, карвонбошилик қилаётгани қалбимизни ифтихор туйғуларига лиммо-лим тўлдиради, ажойиб илҳом бахш этади. Қайси мавзуларга қўл урмасинлар, нима ҳусусида сўз юритмасинлар, қандай масалаларни ҳал қилмасинлар, Шараф Рашидов забардаст ёзувчи, асл инсон ва катта давлат арбоби сифатида ўзбек пахтакорлари, деҳқонлари, бутун қишлоқ аҳли ҳаётини барча фазилатлари, гўзалликлари, қийинчиликлари ва қарама қаршиликлари билан атрофлича ҳаққоний тадқиқ этиш намуналарини кўрсатиб, ўзига хос ғоявий-бадиий мактаб яратиб берди. «Қудратли тўлқин», «Бўрондан кучли», «Ғолиблар»ни ҳам, буюк дўстлик, интернационализм, совет тўрмуш тарзи, улуғ рус тилини таранум этган ҳамда бошқа хилма-хил, ранг-баранг мавзуларда ёзилган мақолалари, китобларини мутолаа қилганингизда бунга тўла ишонч ҳосил қиласиз ва ўша мактабнинг халқимиз ҳаётида қандай муҳим аҳамият касб этганлигини яхши англаб оласиз.

Мана шу ғоявий-бадиий мактаб сабоқлари, ҳикматларини чуқур ўзлаштириб, амалиятга моҳирона тадбиқ этиш натижасида ижодий жасорат кўрсатаётган адибларимиз борки, улардан бири таниқли ёзувчимиз Назир Сафаровнинг истеъдодли журналист Шараф Убайдуллаев билан ҳамкорликда ёзган «Реал ташаббуслар, ҳаётий қаҳрамонлар» очерк-суҳбати кўпчиликнинг оғзига тушди. Негаки, азамат деҳқонларимиз, пахтазор мардан-майдонлари улуғланиб, сохта «рекордчилар, қалбаки «мингтонначи механизаторлар танқид қилинади, бундай «қаҳрамонлар» ҳеч қачон халқимиз олқишига сазовор бўлолмаслиги тўғри кўрсатилади. Айни чоқда терим машиналари жуда кўп фазилатларига, афзалликларига қарамасдан ҳали ҳозирги юксак талабларга тўла жавоб бермаётганлиги конкрет таҳлил орқали кўрсатилади, инженер-конструкторларимизнинг гўза парваришли, айниқса, йиғим-теримга техникани тўла сафарбар этиш учун яна кўп заҳмат чекиши зарурлиги алоҳида таъкидланади. Хусусан фактларни ошириб-тошириб изоҳлаш, аччиқ ҳақиқатнинг юзига тик қараб олмасликнинг зарарли оқибатлари ошкора намоён қилинади.

«Оқ олтин» ижодкорлари ҳаётида «мана, мен!» деб турган ҳақиқатни таърифлашга деярли барча қаламкашларимиз уста, бироқ косанинг тагида нимкоса мавжудлигини, адолатнинг бурчак-бурчакларда гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай, гоҳ нималаргадир аралаш-куралаш бўлиб кетганлигини ҳар ким ҳам сезавермайди, баъзан сезганлар журъат этиб, кўрганларини ошкор этавермайди.

Юқорида мамнуният билан қайд этилган ғоявий-бадиий мактаб таълим берадики, ҳар қандай шароитда ҳам ҳақиқатни, фақат ҳақиқатни ошкор этиш керак ва шу йўсинда жасорат кўрсатган ижодкор халқ олдидаги бурчини ўтайди, замонга хизмат қилади, жамият тараққиётига таъсир кўрсатади, бироқ жасорат ўз ўзиден пайдо бўлмайди, у курашларда туғилади, курашларда ғалаба қозониш учун юзлаб, минглаб жумбоқлар, чигалликларни ечиб, хилма-хил қийинчиликларни бартараф этиш талаб қилинади. Ҳолбуки, аксари ижодкорларимиз курашларнинг қандай бошланиб, қандай давом этишини эмас, курашлар жараёнини эмас, балки курашлар натижасини, хотимасини тавсифлашдан нарига ўтмаяптилар, шу билан чекланиб қолаяптилар. Бордию, уч юз ёки тўрт юз тонна пахта терган механизатор ёхуд беш-ўнминг килограмм пахта терган теримчи тўғрисида сўз кетса, уларни оддан мақташга, мадҳ этишга кўп ёзувчиларимизнинг куч-қудрати, имконлари етиб ортади, аммо уларнинг бундай марраларни қандай эгаллаганликлари, шу аснода қандай қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келгани шунчаки қайд этиладию, чуқур ёритилмайди. Чуқур ёритилмагандан кейин ҳар қандай жасорат ҳам бутун салмоғи билан қалбларни тўлқинлантирмайди, Бордию, колхоз-совхозларга яқиндан ёрдам берган ҳашарчи-талабалар, ҳашарчи-ишчилар, ҳашарчи-олимлар, умуман шаҳарликлар ҳақида нималар айтиш лозим бўлса, улар шаънига таҳсинлар ўқиймиз, лекин улар кўрсатган мардлик, матонатнинг қандай шарт-шароитларда вужудга келгани, нималарни ютиб, нималарни ютқизгани икки-уч оғиз сўз билан тавсифланади, холос. Ваҳоланки, тавсиф эмас, таҳлил керак. Бадиий воситалар орқали юзага чиқариладиган таҳлил керак. Ғоятда ҳаётий ва ҳаққоний образлар руҳига сингдирилган таҳлил керак.

Деярли ҳар йили ҳашарчилик вақтинчалик тадбир дейилади, аммо унга эҳтиёж яқин кунларда йўқолмаслиги кўриниб турибди. Бинобарин, ёзувчи масаланинг шу жиҳатини эътибордан соқит қилолмайди. Қишлоқ, колхоз-совхоз ҳаётига оид ўнлаб, юзлаб муаммолар мавжудки, уларни ҳал қилишда бадиий сўз муҳим аҳамият касб этади. Сирасини айтганда ёзувчига таллуқли бўлмаган бирорта муаммо йўқ. Лекин муаммоларнинг муаммоси бор. Агар уларнинг мазмуни, моҳияти, ижтимоий салмоғи эътиборга олинмаса, ҳаракату интилишлар барака келтирмайди.

Биз фақат қишлоқ мавзусига тегишли айрим муаммоларнигина тилга олганмиз. Аслида ҳали ечилиши лозим бўлган жумбоқлар жуда кўпки, бунга ижодкорларимизнинг бефарқ қарашини асло кечириб бўлмайди. Завод-фабрикалар, умуман шаҳарликлар турмушига оид қанча-қанча муаммолар борки, уларни бадиий тадқиқ этиш натижасида жамият тараққиётига самарали таъсир кўрсатилишига ҳеч кандай шубҳа йўқ. Шунинг учун бизга ўзимизнинг овечкинларимиз, радовларимиз етишмаётгани яққол сезилаётир.

Социалистик реализм, табиийки, ўша жумбоқлар, муаммоларнинг инсон тақдирига бевосита ёки билвосита боғланган жиҳатларини таҳлил қилиш орқали ҳаётни ўзгартиришга, коммунистик эътиқод асосида янада барқамол қилишга даъват этади, лекин бадиий ижоднинг ҳар бир тури, ҳар бир жанри — шеърият, наср, драматургия ва адабий танқид ўз қонун-қоидалари, воситалари билан қуроллаган ҳолда иш кўради.

Ҳа, ўз қонун-қоидалари, воситаларига мувофиқ ижтимоий салмоққа эга бўлган муҳим м у а м м о, жумбоқ ёки уларнинг муайян қирралари еритмаса, қалбларни ларзага соладиган, юракларни жизиллатадиган, тўлқинлантирадиган даражада намоён қилмаса, адиб маънавиятимизни бойитмайди; жамият тараққиётига самарали таъсир кўрсатмайди.

Ҳаётнинг сарҳадсиз кенгликларини ғаздалантирадиган насрий асарларгина эмас, бал-

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига қарашли пахта селекцияси ва уруғчилиги илмий-текшириш институтида қатор мавзуларда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бунда илмий муассасанинг пахта генетикаси лабораторияси ходимларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Бу ерда вилтга чидамли ва толаси пишиқ нав пахталар яратилди. Суратда: лаборатория мудири Ф. В. Войтёнок билан кичик илмий ходим П. Неъматов лабораторияда.

В. Сироткин фотоси.

ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ЗАРБДОРЛАРИ

ОРЗУЛАРИ ОЙДИН ҚИЗ

МАСТУРА одатдагидек саҳарлаб ишга кетар экан, газета-журналлар дўкони олдидан ўтаётиб навбатда турган беш-олти кишининг сафига қўшилди. Тонгги газеталарни бир қараб чиқмаса кўнгли жойига тушмайди. Навбатда турган кишилар газеталар билан қўшиб «Шарқ юлдузи» журналининг янги сонини, «Партия турмуши», «Кино» журналларини харид қилишар эди. Бу журналларнинг янги сони чиқиши билан тез тарқалиши Мастурани мамнун қилади, у ўзича фахрланади. Чунки бу нашрларнинг дунёга келишида унинг ҳам меҳнати сингган. Ким билади, анави қизчанинг қўлидаги «Шарқ юлдузи»ни балки Мастура муқовалагандир, балки дугоналарининг қўлидан чиққандир...

...Смена тугади. Лекин Мастуранинг иши тугагани йўқ. Ў цех қизил бурчагига келганида уч-тўрт комсомоллар-ҳамкасблари йиғилишган эди. Кўп ўтмай бошқалар ҳам етиб келишди.

— Ўртоқлар, бугун кун тартибимиздаги биринчи масала ҳар бир комсомол аъзосининг шахсий комплекс планини назорат қилиб борадиган комиссия составини сайлаш. Кимларнинг номзодини кўрсатамиз, нимда қананақа таклиф бор, марҳамат.

Мастура шундай дея жойига ўтирди. Рўпарасида бараварига бирнечта қўллар кўтарилди. Сўзга чиқувчилар цехнинг энг илғор, софдил йигит-қизлари номзодини кўрсатишди ва яқдиллик билан комиссия составини тузилди.

Цех комсомолларининг ҳар бири ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йили учун зиммасига комплекс шахсий план қабул қилган. Планларни қабул қилавериш билан иш битмайди, уни албатта бажариш керак. Шундагина меҳнат самарадорлиги сезиларли даражада ортади. Буни яхши тушунган комсомоллар етакчиси Мастура Исмоилова ўз ташаббуси билан ана шундай назорат группасини ташкил этди. Бу эса ҳозирданоқ ўзининг ижобий самараларини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг муқова цехида меҳнат қилаётган М. Исмоилова фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Цех коллективи уни илғор ишчи, тиниб-тинчимас ташкилотчи сифатида яхши танийдилар. Мастура бу коллективда 1972 йилдан буён меҳнат қилади.

— Ўша йили мактабни тугатиб, институтга киришга ҳаракат қилган эдим, — дейди у, — лекин имтиҳонлардан ўтдим-у, конкурсдан ўта олмадим. Вақтинчалик ишлаб туриш учун шу ерга ишга киргандим. Кейин бу касб ва коллектив менга жуда ёқиб қолди, шу ерда ҳануз ишлаяпман. Менинг ишга ва коллективга меҳр қўйишимда аввало цех бошлиғи Белла Соломоновна Коваль, мастер Ольга Александровнадан миннатдорман. Улар менга ҳаётда ўз ўрнимни топиб олишга кўмаклашдилар.

Ўтган йилда цех коллективи 470800 дона журнал ва бошқа нашрлар ишлаб чиқариш мажбуриятини олган эди. План 102,7 процентга етказиб бажарилди. Бу йил ҳам дастлабки ой топшириқлари ошириб бажарилмоқда. Бунда пешқадам ишчи, цех комсорги Мастура Исмоилованинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

З. ИМОМОВА.
ишчи мухбирлар университетининг тингловчиси.

ҲОСИЛ МИРИШКОРЛАРИ

ЎТГАН йилга якун ясаш, унда эришилган ютуқлар ва камчиликларни сарҳисоб қилиш ҳар бир деҳқон учун муваффақият омили ҳисобланади. Бунга яхши тушунган Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхозининг азаматлари илғорлар тажрибасини бўлимлар, бригадалар ўртасида кенг қўллаш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишни қизғин бошлаб юборишдилар.

Совхоз асосан сабзавотчилик, боғдорчилик, ҳамда чорвачиликка ихтисослашган. Ўтган деҳқончилик йилида совхоз миришкорлари қувончли натижаларни қўлга киритдилар. Белгиланган план ва мажбуриятлар барча кўрсаткичлар бўйича ортиғи билан адо этилди. Давлатга плардаги 6400 ўрнига 8200 тонна сабзавот, 120 ўрнига 200 тонна картошка етказиб берилди. Совхоз деҳқонлари, айниқса карам, помидор, бодринг ҳамда сабзилардан юқори ҳосил етиштирдилар.

Сўнгги йилларда совхозда боғдорчилик маҳсулотлари етиштиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг натижасида мева етиштириш йилдан йилга ортиб бормоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида мавжуд боғдан мажбуриятдаги 440 тонна ўрнига 760 тонна мева эл дастурхонига етказиб берилди.

Совхоз чорвадорларининг ютуқлари ҳам мақтовга лойиқ. Улар ўтган йили давлатга 540 тонна сут, 26 тонна гўшт етказиб бердилар. Ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут миқдори 4224 килограммни ташкил этди. Чорвадорларнинг бу улкан муваффақиятларида Ҳалима Шодиева, Қўчқор Учкампиров, Шарифа Самадова каби тажрибали сут соғувчиларнинг катта улушлари бор. Улар ҳар бош сигирдан 4800—5150 килограммдан юқори сортли сут соғиб олдилар.

Совхозда омилкор деҳқонлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Жумладан, Қозоқбой Шодиев, Турди Исматхонов бошчилик қилаётган бригада коллективлари ҳар гектар ердан 300 центнердан сабзавот ҳосили йиғиштириб олиб, хўжалик ютуғига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Ш'у кунларда 1979 йил ҳосили учун пухта замин яратаётган совхоз миришкорлари барча кучни мўл ҳосил гарови бўлган сифатли кўчат етиштиришга қаратмоқдалар. Ҳозиргача карам кўчатларини деярли пикировка қилиб бўлдилар. Бундан ташқари 16 миллион туп помидор, гаримдори ва бошқа турли кўчатлар ҳам сифатли парваришқилинмоқда.

Ҳозиргача далаларга 10 минг тонна маҳаллий ўғит ташиб чиқарилиб бу соҳадаги план ортиғи билан адо этилди. Бундан ташқари совхоз территориясидаги барча ариқ ва зовурлар тозаланиб, баҳорги мавсумга шай қилиб қўйилган.

Маълумки, эртаки сабзавот етиштиришда полиэтилен плёнкасидан фойдаланиш катта самара бермоқда. Плёнка остига экилган экин очиқдагисидан 25—30 кун аввал етилади. Бу эса ердан 2 ҳатто 3 маротаба ҳосил олиш имконини бермоқда. Совхознинг Турди Исматхонов, Қозоқбой Шодиев, Раззоқ Эгамбердиев, Низомиддин Аҳроров бошчилик қилаётган бригада деҳқонлари бу соҳада катта тажриба тўплашган. Ўзаро мусобақалашиб меҳнат қилаётган бу бригадаларнинг ҳар бири бу йил гектаридан 300—350 центнердан ҳосил олиш учун курашни бошлаб юборишлар.

Совхоз сут-товар фермасида чорва қишлови муваффақиятли ўтаётир. Қишлов учун тайёрлаб қўйилган 1300 тонна сенаж, 3000 тонна силос, 1585 тонна дағал хашак, ҳамда 24 тонна ўт уни молларга аниқ рацион асосида едирилаётганлиги туфайли мавжуд 160 бош соғин сигирдан қунига 1600 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олишга эришмоқдалар. Қ. Учкампиров, Ҳ. Шодиева каби соғувчилар ҳар бош сигирдан 11—12 килограммдан сут соғиб олиб барчага ўрнак бўлмоқдалар. Бу йил ҳар бош соғин сигир маҳсулдорлигини 4500 килограммга етказишга аҳд қилган чорвадорларнинг шу кунгача соғиб олган сути 70 тоннадан ошиб кетди.

— КПСС Марказий Комитетининг июль ва ноябрь (1978 йил) Пленумлари қарорларини изчиллик билан амалга ошираётган совхозимиз деҳқонлари янги марралар сари дадил одимлаб бормоқдалар, — дейди совхоз директори Тожихон Мелибоева. — Сифат ва самарадорлик беш йиллигининг белгиловчи тўртинчи йилида давлатга 8300 тонна сабзавот, кўплаб картошка, 100 тонна мачкажўхори дони, 780 тонна мева, 550 тонна сут, 35 тонна гўшт етказиб бериш мажбуриятини олган совхозимиз ишчилари шу кеча кундузда барча куч ва имкониятларни тўла ишга солган ҳолда меҳнат қилмоқдалар.

Ф. МУҲИДДИНОВ.

ПИСКЕНТ районининг чорвадорлари моллар парваришини яхшилаб, маҳсулдорлигини тўхтовсиз оширмоқдалар Шу сабабли кўпгина хўжаликларда давлатга гўшт, тухум, сут топшириш ишлари жадал олиб борилаётир. Буни райондаги илғор «Гулистон» колхози мисолида ҳам кўриш мумкин.

ЧОРВАДОРЛАР РАПОРТИ

Бўрдоқичилар озуқа рационига тўла риоя қилиб, парвариш қилишлари туфайли кундан-кунга моллар 600 граммгача семирмоқда. Хўжаликда қисқа вақт ичида давлатга 35 ўрнига 36 тонна гўшт топширилиди. Бу соҳадаги уч ойлик план муддатидан олдин адо этилди. Чорвадорлар эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаб, йиллик гўшт топшириш планини муддатидан олдин бажариш учун барча ички резервларни ишга солишмоқда.

1-«Пискент» совхози парандабоқарлари ҳам янги ютуқларни қўлга киритишди. 28 минг ўрнига 33 минг дона тухум сотилиб, уч ойлик плани анча ошириб адо этилди.

О. ИЗЗАТУЛЛАЕВ.

ДУНЁ ОВОЗИ

ЧЕЙ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

АГРЕССОРЛАРГА ҚАТЪИЙ ЗАРБА

ХАНОЙ, 5 март. (ТАСС). Пекинлик гегемончилар Вьетнам территориясини қўшиб олиш мақсадидаги макрли ниятларини амалга оширишга уриниб, ВСРнинг шимолий вилоятларида агрессив урушни кенгайтирмоқдалар. Улар уруш ҳаракатлари районига қўшимча ҳиёда қисмлари, танк ва артиллерия қисмларини келтириб ташламоқдалар. Лаос чегарасида ўз қўшинларини йиғиб, бу мамлакатдаги тинч қурилишга ҳам таҳдид этмоқдалар.

Вьетнам информация агентлиги (ВИА)нинг хабар беришича, Хитой агрессорлари Лангшон, Каобанг йўналишларида ва бошқа йўналишларда Вьетнам территориясининг ичкарилигига киришга қаттиқ уринмоқдалар. Аммо улар ҳамма ерда Вьетнам халқ армияси қисмларининг ва халқ лашкарлари отрядларининг қатъий зарбасига дуч келмоқдалар.

4 март куни душманнинг ҳамма ҳарбий қисмлари Донгданг шаҳри районида ва Лангшон шаҳридан шимолий-шарқда тўхтатиб қўйилди. Душман Каобанг районида 15 мингдан ошиқ солдатидан маҳрум бўлди. Бу ерда Вьетнам қуролли кучлари 130 дан ошиқ танк ва бронемашиналарни сафдан чиқардилар.

Хоанглиеншон ва Хатуен вилоятларида босқинчиларга катта зарар етказилди. Бу ерда Вьетнам жангчилари душманнинг ҳужумларини, шу жумладан танк қисмлари ҳужумларини муваффақиятли даф этмоқдалар.

ВИА хабар берадики, 17 февралдан 2 мартгача Хитой агрессорларининг ўлдирилган ва яраданр қилинган қариб 42 минг кишиси сафдан чиқазилди. Вьетнам қуролли кучлари 259 танк ва бронетранспортёрни, катта калибрдаги 66 тўпни мажақлаб ташладилар.

ВИАнинг хабарларига кўра, пекинлик агрессорлар Вьетнамнинг босиб олинган территориясида гитлерчиларнинг қўйдирилган ер тактикасини қўллаб, оммавий вахшийликлар қилмоқдалар. Улар Вьетнамнинг кўҳна Лангшон шаҳрини вайронага айлантирдилар. Хитой босқинчисининг оёғи теккан кўпгина қишлоқлар ер юзидан йўқ қилиб юборилди. Шоҳиполяларга беҳисоб зиён етказилди. Агрессорлар тинч аҳолидан, хотин-қизлар, кексалар, болалардан аёвсиз ўч олмоқдалар.

ХАНОЙ, 5 март. (ТАСС). Вьетнам Ватан фронти Марказий Комитетининг пленуми Хитой реакциячиларининг агрессиясидан ватан мудофаасини, хавфсизлигини таъминлаш ва уни ҳимоя қилишга қаратилган қарор қабул этди. Унда мамлакатнинг бутун халқи ва армиясини Вьетнамга қарши агрессив уруш бошлаган Хитой гегемончиларн тўдаси устидан тўла ғалаба қозонишга сафарбар этиш вазифаси қўйилди.

Вьетнам Ватан фронти, дейилади қарорда, қардош социалистик мамлакатларнинг халқлари, жаҳоннинг прогрессив жамоатчилиги билан дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашга, Вьетнам халқини қўллаб-қувватлаш фронтини, Вьетнамнинг Лаос ва Кампучия билан жанговар бирдамлигини мустаҳкамлашга, Жануби-Шарқий Осиёдаги халқлар, ривожланаётган давлатлар ва бошқа давлатлар билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга халқни сафарбар этади.

Вьетнам Ватан фронти империализмга, экспансионизмга қарши буюк давлатчилик гегемонизмига, мустамлакачилик ва иркчиликка қарши курашга актив ҳисса қўшади.

Хитой агрессорлари вақтинча босиб олинган Вьетнам территориясида геноцид сиёсатини юргизмоқдалар. Улар ҳарбий иншоотларни вайрон қилиш баҳонаси билан уй-жойларга ўт қўймоқдалар, халқ хўжалик объектларини портлатмоқдалар, тинч аҳолини ваҳшийларча ўлдирмоқдалар. Суратда: Хитой агрессияси натижасида уй-жойсиз қолган кишилар яшаб турган жойларини тарк этмоқдалар.

МТИ — ТАСС фотоси.

ТРИПОЛИДАГИ ЯРМАРКА

ТРИПОЛИ, 5 март. (ТАСС). Бу ерда 17-халқаро савдо-саноат ярмаркаси очилди. Ярмаркада 35 давлат, шу жумладан социалистик мамлакатлар иштирок этмоқда.

Ярмаркадаги энг катта экспозициялардан бири — совет экспозицияси томошабинларда зўр қизиқиш туғдирмоқда. Бу ерда 20 га яқин ташқи савдо бирлашмаси ўз маҳсулотини намойиш қилмоқда. СССР павильонининг экспонатлари совет халқининг социал ва халқ хўжалиги ютуқлари тўғрисида, шунингдек Совет Иттифоқининг ривожланаётган мамлакатларга бераётган техникавий ва иқтисодий кўмаги янги ҳаёт қурилишида қандай аҳамиятга эга эканлиги ҳақида тасаввур беради.

НЕФТЬ ЭКСПОРТ ҚИЛИШ ЯНА БОШЛАНДИ

ТЕҲРОН, 5 март. (ТАСС). Нефть юбориш қариб икки ярим ойга яқин тўхтаб қолгандан сўнг бугун Эрон чет элларга яна нефть юбора бошлади. Мамлакатнинг Харк оролидаги энг катта нефть портида биринчи ажнабий танкерга нефть қуйила бошлади.

Шоҳ режими ағдариб ташлангандан кейин Эроннинг нефть чиқариш ва экспорт қилиш соҳасидаги сиёсати, мувақкат ҳукумат вакиллари ноча марталаб айтгакларидек, мамлакатнинг миллий манфаатларигагина асосланади. Расмий кишиларнинг гапига қараганда, нефтдан тушадиган даромад шоҳ даврида бўлганидек, қурол-яроғ сотиб олишга эмас, балки мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш лойиҳаларини амалга оширишга сарфланади. Чет элларга сотиладиган нефть миқдори мамлакатнинг ажнабий валютага бўлган реал эҳтиёжларига мувофиқ равишда белгиланади.

Илгари мувақкат ҳукумат Исроил билан Жанубий Африка республикасига «қора олтин» етказиб бермасликкка, шунингдек 25 йил мобайнида Эрон билан унинг нефтини истеъмол қилувчилар ўртасида воситачи бўлиб келган Ғарб нефть компаниялари консорциумининг хизматларидан воз кечишга қарор қилган эди.

Эрон нефтини айни 5 мартдан чет элларга яна етказиб бера бошлаш Эрон миллийватанпарварлик ҳаракатининг таниқли арбоби, собиқ бош министр М. Мосаддиқ вафотининг 12 йиллиги кунига тўғриланди. М. Мосаддиқ ҳукумати даврида 50-йиллернинг бошларида Эрон нефти давлат ихтиёрига олинган эди.

М. Мосаддиқ дафн этилган Ахмадобод шаҳарчасида оммавий митинг бўлиб ўтди. Митингда бош министр М. Бозоргон бошчилигидаги мувақкат ҳукуматнинг ҳамма аъзолари қатнашдилар.

Мамлакатда Эроннинг бўлажак давлат тузуми масаласи юзасидан ўтказиладиган референдумга тайёргарлик ишлари давом этмоқда. Ички ишлар министрлиги референдум 30 март куни ўтказилишини расмий равишда таъкидлади. Ҳозирги вақтда Эроннинг бир гуруҳ мўътабар юристлари мамлакат янги конституцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш ишларини тугалламоқдалар.

Ҳукумат ташқи сиёсат соҳасида муҳим қадам қўйиб, Жанубий Африка республикасининг иркчи режими билан дипломатия муносабатлари узилганини эълон қилди. Теҳрон радиосининг хабар қилишича, Жанубий Африка республикасининг Теҳрондаги бош консули ташқи ишлар министрлигига чақирилиб, унга претория режими ўтказиб келаётган иркий камситиш сиёсатини Эрон қоралашини ва Жанубий Африка республикасида ўтказилаётган аппартеидни инсон ҳуқуқларини жуда қўпол бузиш, деб қисоблаши айтилди. Шу сабабли Эрон Жанубий Африка республикаси билан ҳеч қандай сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва дипломатия муносабатлари боғламайди, деб таъкидлади Эрон ташқи ишлар министрлигининг вакили.

Эрон матбуотининг хабарларига қараганда, империализмдан мадад олиб ҳаракат қилаётган ички аксил инқилобий кучлар ўз мағлубиятига тоқат қилолмай, Эронда эски тартибларни қайта тиклаш режаларидан ҳали ҳам воз кечмаяптилар. «Ожандагон» газетасининг хабар қилишича, шоҳ сиёсий полициясн — САВАК нинг ашаддий айғоқчилари яшириН шароитда ишлашга ўтиб, ҳозир ўз ташкилотини қайта тиклашга уринмоқда. Улар қурол-яроғ омборларини вужудга келтирмоқдалар, террорчи гуруҳлар тузмоқдалар.

Халқ олдида оғир жиноятлар қилган шоҳнинг яна етти гумаштаси фавқулодда революцион трибуналнинг ҳукмига биноан қатл этилганлиги Теҳронда эълон қилинди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

НЬЮ-ЙОРК, 5 март. (ТАСС). Нью-Йорк штатида ишсизлар анча кўпайди. Фақат расмий маълумотлар бўйича бу йилнинг дастлабки ой мобайнида «ортиқча кишилар» 91 минг нафар кўпайган. Январь ойининг охирига бориб штатда жами 619 минг киши иш топа олмаяпти. Бу эса меҳнатга яроқли аҳолининг 7,7 процентини ташкил этади.

Қўшма Штатларнинг энг йирик шаҳри бўлган Нью-Йоркда ишсизлик даражаси бундан ҳам юқори. Ҳозирги вақтда бу шаҳарда ишсизлар ишга яроқли аҳолининг 8,3 процентини ташкил этади.

* * *

БУЭНОС-АЙРЕС, 5 март. (ТАСС). Уругвайда кун кечириш тинмай қимматлашиб бормоқда. Информация агентликларининг хабарларига кўра, сутнинг нархигина 22 процент кўтарилган. Гўшт ҳафта сайин ўрта ҳисобда 5 процент қимматлашмоқда. Бултур гўшт нархи 187 процент кўтарилган эди.

Қанд-шакар, мева, сабзавот, шунингдек нефть маҳсулотлари нархи ҳам ошди.

БОЛАЛАРГА ТУҲФА

ДАМАШҚ, 5 март. (ТАСС). Сурия араб ёзувчилари иттифоқи халқаро болалар йилини болаларга аталган ҳикоялар ва эртакларнинг учта янги тўпламини чоп этиш билан нишонлашга қарор берди. Тўпламга халқ ижодиётининг машҳур асарлари, шунингдек ҳозирги замон Сурия ёзувчиларининг болалар севиб қолган асарлари киритилади.

ки шеъриятдай гоятда нозик, нафис санъат ҳам шу талаблар асосида ривожланишини Эркин Воҳидовнинг пахтакор тилидан изҳор эттирилган қуйидаги фикри тўла тасдиқлайди: «Чопиқ гашти» дединг, эҳ бу не роҳат, билмоқ бўлсанг, сезмоқ бўлсанг бу не ҳузур, кун бўйи демайин, бир-икки соат лолақизғалдоқнинг офтобида тур, бу иш «пўлат отни мағрур суриш»мас, рост гапни айтавер, уялтирмас рост, далада чанг ютиш «жавлон уришмас, бизлар ишлаяпмиз, бу меҳнат, холос».

Бу сўзлар аслида мухбирга қарата айтилган, аммо улар барча ижод аҳлига, хусусан шоирларга ўзига хос ғоявий-бадиий йўлланма сифатида хизмат қилади. Зотан ростини гапириш, ҳақиқатни айтишдан ижодий жасорат бошланади. Лекин ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга, шеърий ҳақиқатга айлантириш ғоятда мушкулдирки, уни чинакам истеъдод эгалари зўр қурашлар, машаққатли изланишлар, жанговор ҳаракатлар натижасидагина амалга ошириши мумкин. Зўр қурашлар, интилиш, изланишлар муваффақиятли якунланса, ижодий жасорат оддий воқеадай, ҳамма кўриб билиб юрган ҳодисадай туюладики, бунга Абдулла Ориповнинг мана шу мисралари ёркин далилдир: «Иложин топса агар, кетмоннинг дастасин ҳам ерга қадаб, термилиб кўкартиргувчи бу халқ», «ушоқ чигитни ҳам этмай деб увол, ҳар қарич ерга эгилган халқим».

Кетмон дастасин кўкартириш. Ҳар қарич ерга эгилиш. Ушоқ чигитни увол этмайлик.

Кўринишда оддий, аслида эса чуқур маъноли, таъсирчан, жонли поэтик образлар, рамзий тасвирлар, оригинал ифодалар бўлиб, уларни Абдулла Орипов кашф этган, яратган, яратиш, кашф этиш эса ижодий қаҳрамонлик меваси дир.

Табиийки, ҳар бир қаламкаш яратиш, кашф этиш туйғуси билан яшайди, тер тўкади. Чунки, бошқача йўл билан ғоявий-бадиий тараққиетни таъминлаш мумкин эмас.

Шунга кўра Зулфия, Асқад Мухтор, Шукрулло, Рамз Бобожон, Тароб Тўла каби шоирларимиз пахтакорлар шаънига «ялангоч», қуруқ мақтовлар йўллашдан воз кечиб, жонли, табиий, янги бадиий ифодалар орқали «оқ олтин» ижодкорлари ҳаётини таранум этиш учун қалам тебратмоқда. Тўғри, уларнинг тенгдошларидан Ҳамид Ғулом ва Миртуҳсин насрга «шўнғиб» кетганлари туфайли шеъриятга баъзан зўр-базўр қиё боқиб қўядилар, аммо бу соҳада озу соз маҳсулот беришга интилмоқдалар. Айниқса, Ҳуснидин Шарипов, Барот Бойқобилов сингари анча тажриба тўплаган қаламкашлергина эмас, балки ижодда энди «суяги қотиб» келаётган Усмон Азим, Муҳаммад Солих, Ҳуршид Даврон, Қутлибека Раҳимбоевалардан тортиб то камолат сари дадил қадам ташлаётган Муҳаммад Али, Рауф Парфи, Маъруф Жалил, Омон Матжон, Сулаймон Раҳмон каби шоирларимизнинг қишлоқ мавзуини янада чуқурроқ, асослироқ, ҳаққонийроқ ёритишга киришганликлари диққатимизни жалб этмоқда.

Ижодий изланишлар, интилишлар тобора кенгайиб, кучейиб авж олиб бораётганлигидан мамнунмиз, лекин, табиийки, улар ҳамма вақт салмоқли натижалар билан якунланавермайди.

Кўпгина ижодкорларимизнинг, шу жумладан Эътибор Охунованинг қишлоқ мавзуига бағишланган асарларини ўқиганимизда буни тасаввур қилиш мумкин. Эътибор Охунова пахтакор деҳқонларимизни улуғлашга, улар ҳаётига оид долзарб масалаларни кўтариб чиқишга, хусусан шу жабҳада меҳнат қилаётган хотин-қизларимиз матонати, мардлигини кўрсатишга доимо илтилааяптики, бу интилиш махсулдорлик бобида пешқадамлар сафида келаётган шоирамизнинг «Турсуной» («Шарқ юлдузи, 11 сон, 1978 йил) деб номланган янги достонида яқол куринади.

Достон сарлавҳасидан маълумки, асар машҳур пахтакоримиз Турсуной Охуновага бағишланган бўлиб, унда муаллиф ўзининг «оқ олтин» етиштирувчилар турмушини синчиклаб қатъий жиддият билан ўрганганига шубҳа туғдирмайди:

Пахта енгил дейдилар, бу
гап маъқул менга ҳам,
Лекин меҳнатида-чи,
хирмонларнинг юки бор.
Эрта тонглар эгатга мен
малҳамдай сингаман,
Баъзида шудринглардай
мен қоламан тўкилиб...
Ором олар қишда ер...
менда кўклам ҳаёли,
Хотиржам кўрганмисиз
пахта эккан аёлни?
Ариқларни тозалаб,
молаларга қарайман,
Ўз сочимни турмаклаб, ер
сочини тарайман.
Ерга чигитни эмас, гўё
дилим экаман,
Кўзларим ҳам нигорон...
неча бор тиз чўкаман.
Эгатга малҳамдай сингиш, баъзида шудринглардай тўкилиб қолиш, ернинг дардкеш доиси, ор сочини тараш, ерга чигитни эмас, гўё дилни экиш каби образли ифодалар, тасвирий ташбеҳлар Эътибор Охунозада чинакам шоирлик қобилияти мавжудлигидан далолат беради ва улар пахтакорларимиз меҳнатининг нафосати, поэзияси ҳамда ўзига хос қийинчиликлари, «проза»си тўғрисида аниқ, ёркин тасаввур туғдиради.

Достонда мана шу тасаввурни бойитишга, чуқурлаштиришга қаратилган яна бирқанча мисралар мавжуд, аммо улар ўрнини тезда оддий ахборотнома мулоҳазалар, ҳаммамизга маълум фикрлар эгаллайди: «Кўчаларни тўлдириб ўтиб борар карвонлар, пештоқида — алвони, карвонларнинг олдида мамнун борар сарбонлар, бу — Турсуной карвони; Хирмонда тарозубон тўқсонга кирган бобо, кампири тўй бошида. Планни сўраб кўринг, айтиб беради ёддан ўйқусида — тушида».

Бу фикрларни нотўғри деб ҳеч ким раддия беролмайди, аммо уларда поэтик конкретлилик, образли нафосат сезилмайди. Достонда нимани зикр этилса, барчасини эътироф этишимиз мумкин. Негаки муаллиф Турсуной Охунова ҳаётида қандай воқеалар содир бўлса, уларнинг моҳиятларини шеърий мисраларга жойлашга интилган ва интилиш баъзи ўринларда (юқорида келтирилган мисолни эсланг) муваффақиятли якунланган, бироқ биз қаҳрамон фаолиятига оид ҳаммага ошкор этилган, бошқа муаллифларнинг асарларида бир неча бор такрорланган мулоҳазаларни эмас, балки Эътибор Охунованинг ўзлари кашф этган, идрок этган, ўзлаштирган фикрлари, кузатишларни билишга қизиқамиз, ўқувчилар онги, маънавиятини янги, оригинал фикрлар билан бойитишини хоҳлаймиз.

Мулоҳазаларимиз, истакларимиз қишлоқ мавзуини ишлаётган бир қанча шоирларимизга ҳам, насрнависларимизга ҳам таллуқлидир. Зотан хабарчилик, юзакилик, турмуш мураккабликларини бадиий тадқиқ этолмаслик каби адабий иллатлар заҳматкаш деҳқонларимиз ҳаётини чуқур ёритишга моҳирлик қилаётганини отахон ёзувчимиз Назир Сафаров 1978 йил 24 ноябрда бўлиб ўтган республикамиз ёзувчилари союзи Правлениесининг навбатдаги Пленумида ачиниб ва ачитиб айтгани бежиз эмас.

Балки хабарчилик, насрий ва шеърий кўринишдаги хабарчилик кимларгадир асқотиб қолиши мумкин, бироқ у ҳукмронлик қилган жойда бадиий тадқиқотга ўрин йўқ, бадиий тадқиқотсиз эса ҳеч қандай ижодий жасорат туғилмайди. Бадиий тадқиқот руҳига сингдирилган коммунистик партиявийлик онгимизга онг, завқимизга завқ бўлиб қўшилади, жонли, ҳаққоний образларда яшайдиган социалистик реализм бадиий тараққиётга таъсир кўрсатади, атомдан кучли (Абдулла Қаҳҳор) сеҳрга айланади.

Қишлоқ мавзуини ёритишда фақат тажрибали адибларимизгина эмас, балки ёш ёзувчиларимиз ҳам масаланинг шу жиҳатига жиддий эътибор бераётгани сезилиб турибди. Шукур Холмирзаевнинг «Сўнгги бекат», Ўткир Ҳошимовнинг «Нур борки, соя бор», Э. Усмоновнинг «Меҳригиё» асарларидаги бир қанча образларда бадиий тадқиқот руҳи мавжуд, аммо биз бу руҳнинг етакчи мавқеини эгаллаб, Чингиз Айтматов, Валентин Распутин, Василий Белов, Абдижамил Нурпеисов, Расул Ҳамзатов, Ўстанас Марцинкявичус асарларидаги каби Бутунитти ҳоҳ ҳамда жаҳон миқёсидаги ўқувчилар қалбини забт этишини истардик. Ёзувчиларимизнинг шу ҳақиқатни ўзлаштириб олгач қалам тебратаётганлиги Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» ва «Диёнат» романларида яққол кўриндики, уларнинг ижодий жасорат намуналари сифатида баҳоланги бежиз эмас. Лекин замонамиз бадиий эҳтиёжини қондириш учун бундан ҳам мукаммалроқ, бундан ҳам ўткиррок, бундан ҳам салмоқлироқ, баркамолроқ кашфиётлар керак. Бунга ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» асарини ўқиб чиққанингиздан кейин яна бир карра ишонч ҳосил қиласиз ва чинакам ижодий жасоратнинг ҳаётий-ижтимоий моҳиятини чуқур англаб оласиз.

«Қўриқ» шунисн билан ўқувчини қойил қиладики, муаллиф фақат сахрони ўзлаштириш, боғу роғларга айлантиришдаги қийинчиликларнигина эмас, балки кўп миллатли совет халқининг ҳаёти, маънавияти, меҳнат фаолиятидаги мураккабликлар, мушкулликларни рўйи-рост кўрсатади, қарама қаршиликларни хаспўшламайди, вазиятни силлиқлаштириб ифодалашга йўл қўймайди.

Ўткир, долзарб ижтимоий муаммоларни тадқиқ этишда, шу жумладан қишлоқ мавзуини ёритишда ўз чинакам партиявий кўрсатмаларга қанчалик зўр муваффақият билан амал қилинса, ижодий жасорат мевалари шунчалик мўл бўлади, адабиётимиз тараққиётига самарали таъсири шунчалик кучаяди, авж олади.

Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ,
филология фанлари доктори.

ЖОНЛИ ВА ТАЪСИРЧАН

Бу машғулот одатдагидан бошқача бўлди. Ўзбекистон халқлари тарихи музейидаги партия снёсий маорифи ўқуви юқори звеноси машғулотида Улуғ Ватан уруши ветеранлари совет комитети Тошкент секцияси аъзолари иштирок этишди.

Назарий семинар тингловчилари истеъфодаги гвардиячи майор, ўнлаб жанговар орден ва медаллар кавалери Маҳмуджон Зуфаров ҳиколсини диққат билан тингладилар. Шундан сўнг гвардиячи старшина Илья Иванович Тяпугин, собиқ танкчи Аъзамхон Комилхўжаевлар Сталинград, Ленинград мудофаасига оид хотиралари билан ўртоқлашдилар. Музей ходемларидан тарих фанлари кандидати Л. Альбаум, О. Спейскийлар запасдаги офицерлар сифатида уруш ветеранларига самимий дил сўзларини изҳор қилдилар.

«Совет халқи — одамларнинг тарихан янги уюшмаси» мавзуига бағишланган бу машғулотни таъсирчан ва жонли ўтказиш учун пропагандист Ҳ. Содиқов уруш ветеранларини таклиф қилган эди. Ҳар бир машғулотни қизиқарли ҳамда рангбаранг ўтказишга интилган пропагандист Улуғ Ватан уруши ветеранларининг хотиралари орқали совет халқи қардошларча дўстлик, қон-қардошлик ғояларини тингловчилар қалбига етказди.

— Ватанимиз мудофаасида ёшлик ғайрати ва қудрати билан кўксини қалқон этган табаррук ветеранларимиз, — деди у, — фақат бугунги ҳаётимизнигина сақлаб қолмасдан келажагимизга ҳам замин яратишди. Улар шу билан бир қаторда халқимизнинг асрий кўхна обидаларини ҳам келажак авлодлар учун сақлаб қолишди...

Пропагандист сўзини тугаллаши билан залда чироқлар ўчиб, экран жонланди. «Ўзбек ерида» рангли фильм бошланди. Самарқанд, Бухоро, Хивадаги бетакрор архитектура ансамбллари, жонажон Ўзбекистон табиати фусункор манзара кашф этарди.

Машғулот якунида Маҳмуджон Зуфаров назарий семинар тингловчиларига хушхабар олиб келганини айтди. Ўзбекистон халқлари тарихи музейи коллективига уруш ветеранлари Совет комитетининг Ерлигини топширди.

Пропагандист Ҳамдам Содиқовга эса ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи бўйича намунали фаолияти, матбуотда ушбу мавзуни яхши ёритаётгани учун икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, армия генерали Павел Иванович Батов имзо чеккан уруш ветеранлари Совет комитетининг ташаккурномасини топширилди.

Ҳамза район партия комитетининг снёсий маориф бўйича методик Совети аъзоси, тарих фанлари кандидати пропагандист Ҳ. Содиқов мукофот учун самимий миннатдорчилик билдирди. Ўзбекистон халқлари тарихи музейи коллективи илмий ходимлари, Ҳамза район пропагандистлари ва уруш ветеранлари Совет комитети Тошкент секцияси аъзолари иштирокида уюштирилган назарий семинар ана шундай мароқли ўтди.

М. ЗИКИРОВ.

Реклама ва эълонлар

М. Қорнёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

8, 9 МАРТ СОАТ 19.00 да

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ АРТИСТЛАРИНИНГ

БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТЛАР:
Ҳолисхон ҚОДИРОВА, Вилоят ОҚИЛОВА
Солистлар: Ортиқ ОТАЖОНОВ, Ғулом ДАДАХОНОВ, Нодира АҲМЕДОВА, Дилбар АБДУЛЛАЕВА, Кўзибой ОТАЖОНОВ, Зуҳра ҚОДИРОВА, Лола ЮСУПОВА.
VI Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг дипломантлари Тоҳир ЮСУПОВ ва Нарзиддин ШЕРМАТОВ.
Оригинал жанрда Саттор ИСЛОМОВ.
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ
Музика раҳбари — республика чолғучилар конкурсининг лауреати Ҳамид ИСМОНОВ.
Программани Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.
Билетлар сотилган.

БИЛИМ ВА ҲУНАР ЭГИЗАК

63-ўрта ҳунар-техника билим юрти Тошкентдаги намунали илм ўчоқларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда билим юрти бағрида 2 мингга яқин ўғил-қиз суворқчилик, бўёқчилик, дурадгорлик, ганч ўймакорлик касбларини қунт билан эгаллямоқда. Бу ерда ёшларга ҳар бир касбнинг сир-асрорини ўргатиш билан бирга тўлиқ ўрта маълумот ҳам берилади. Бинобарин, бу даргоҳни тамомлаган ҳар бир ўғил-қиз диплом билан бирга етуклик аттестатига ҳам эга бўлади.

— Билим юртимизда барча фанлар бўйича ўқув кабинетлари ташкил этилган бўлиб, улар замонавий ўқув-техника қуроллари билан жиҳозланмоқда, — деди биз билан суҳбатда билим юрти директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Р. Хусанов. — Жумладан, 20 та ўқув кабинети, ишлаб чиқариш устахонаси ва цехлар ўқувчилар хизматида.

Билим юртимизда ижтимоий ва табиий фанлар бўйича 67 ўқитувчи, ишлаб чиқариш таълими бўйича 64 мастер ишлайди. Иброҳим Айтимбетов, Лариса Шоназарова, Мирбарот Мираҳмедов каби педагогларнинг қилаётган ишлари таҳсинга лойиқдир. Улар раҳбарлигида ўткир зеҳнлилар мусобақаси ҳам ўтказилиб турилади.

Билим юрти 400 ўринли ётоқхонага эга бўлиб, бу ерда ёшлар яшаб, касб ўрганишлари учун барча шароит муҳайё. Бу ерда ишчилар 250 ўринли ошхона, спорт зали бор, кутубхона ва телевидение каби восталардан унумли фойдаланилмоқда.

Ётоқхона ўтган ўқув йилида ётоқхоналараро ўтказилган республика кўрик-конкурсида ғолибликни қўлга киритиб, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1-даражали дипломи ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Ҳунар-техника билим юртида ишлаб чиқариш илғорлари Улуғ Ватан уруши ветеранлари, таниқли олимлар билан учрашувлар ўтказиб туриш анъанага айланиб қолган. Яқинда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Баҳодир Холхўжаев билан учрашув ўтказилди. У ишлаб чиқариш кабинетларининг ўқув қуроллари билан намунали жиҳозланганлиги ҳақида гапириб, талабаларни фан асосларини пухта эгаллашга даъват этди.

Бундай тадбирлар билим юрти педагогик коллективи, комсомол-ёшлари эришаётган муваффақиятларда муҳим омил бўлмоқда.

Д. МУСАЕВА.

Тошкентдаги Ҳамза номли музика билим юрти республикамиз ва қардош республикаларга малакали ёш кадрларни етказиб бермоқда. Бу ерда музика ишқибозлари турли халқ чолғу асбобларини ўрганиб, ўз малакаларини оширмоқдалар. Суратда: ўзбек халқ чолғу асбоблари бўлими бошлиғи [ўнгда] Сотиволди Каримов ўқувчилар билан машғулот ўтказмоқда. Пастда [чапдан] биринчи курс студентлари Дилдора Қаюмова ва Манзура Азизова янги машқни ўрганмоқдалар.
Ж. Тўраев фотолари.

„ҚИШЛОҚЛАР ИСТИҚБОЛИ"

Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясида яратилган янги лента ана шундай деб аталади. Сценарий муаллифи Вилор Ниёзматов, режиссёрлар Исай Гибалевич билан Вячеслав Давидовлар қишлоқ турмуши маданиятини ошириш билан боғлиқ проблемалар тўғрисида ҳикоя қиладилар. Сўнгги йилларда республиканинг кўпгина колхоз ва совхозларида қад кўтарган янги иморатлар, агрошаҳарлар экранда намоён бўлади. Бу шаҳарларда дала меҳнатчиларининг яшаши ва ишлаши, дам олиши учун барча шароитлар яратилган. Фильмда ҳозирги кунимиз тақозо этаётган янги урф-одатлар, янги ишлаб чиқариш ва маънавий муносабатлар тўғрисида ҳам гапирилади.

Республиканинг ҳужжатли фильм яратувчилари яна бир неча фильмни ана шу мавзуга бағишлашга қарор қилдилар.

(ЎзТАГ).

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ

Ўзбекистон илмий оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясида режиссёр И. Гибалевич, операторлар Т. Рўзиев ва Ш. Абдуваҳобовлар ёзувчи Мақсуд Қориев сценарийси асосида «Ёрқин йўл билан» фильмини суратга олиб бўлдилар.

Фильмда Тошкент области ишлаб чиқариш илғорларининг ҳаёти, меҳнат ютуқлари ўз акснин топган.

Э. ИСМАТУЛЛАЕВ,
Киносанъати музейининг кичик илмий ходими.

Спорт

СОБИР РЎЗИЕВНИНГ ҒАЛАБАСИ

Венецияда энг кучли рапирачиларнинг анъанавий халқаро турнири бўлиб ўтди. Бундай мусобақаларда бош совринни қўлга киритган тошкентлик қиличбоз Собир Рўзиев иккинчи бор зафар қучди. Барча учрашувларда устун келиб халқаро турнир ғолиби бўлди. Унинг командадош дўстлари ҳам ҳамшаҳаримиздан ўрнак олиб ҳурмат шохсупасидан жой олдилар. СССР чемпиони киевлик В. Смирнов иккинчи, ўсмирлар ўртасида жаҳоннинг собиқ чемпиони минсклик В. Ланицкий учинчи ўринни эгаллади.

Бу турнир жаҳон кубоги мусобақаларида ҳисобга олиниб, командамизга зачёт очколарини беради.

СПАРТАКИАДА ЧЕМПИОНЛАРИ

Ўзбекистон XVIII спартакиадаси программаси асосида дзю-до кураши бўйича мусобақаларда янги чемпионлар пайдо бўлди. Чирчиқдаги бу беллашувларда бир қатор қобилиятли ёшлар ғолиблик учун дадил кураш олиб борганлари мухлисларни ҳурсанд этди.

Тошкент области дзю-дочилари команда ҳисобида пешқадамлик қилдилар. Саксида вазнда чемпионлик унвонига эга бўлган спортчининг бештаси пойтахт области вакилидир. Булар В. Галкин, Р. Измайлов, С. Стешников, Н. Валитов ва А. Бойтўраевлардир. Қолган вазнларда тошкентлик В. Воронцов билан А. Звягинцев ҳамда бухоролик Ғ. Остонаевлар ғолиб келдилар.

ОЛИЙ ЛИГАНИ КЎЗЛАБ

Мамлакат чемпионати биринчи лигасида қатнашаётган Тошкентнинг «Динамо» волейболчилари сўнгги якунловчи тўртинчи давра ўйинларини Ростов -Дон шаҳрида ўтказишмоқда. Уч турдан кейин Грознийнинг «Автомобилист» командаси 19 очко билан пешқадамлик қилган бўлса, ундан кейинги ўринларда бораётган Тошкентнинг «Динамо», Свердловскнинг «Уралэнергомаш» ва Таллиннинг «Калев» командалари 18 тадан очко билан олий лигада қатнашишга даъвогарлик қилишаётган эди. Сўнгги якунловчи тўртинчи тур икки бахтли командани аниқлаб бериши керак.

Тошкентлик волейболчилар сўнгги давра ўйинларини муваффақиятли бошлашди. Улар Бокунинг Армия спорт клуби командаси билан учрашиб, 3:1 ҳисобида ғолиб келдилар. Ереванинг «Армсельхозтехника» командасини 3:0:, Шевченконинг «Каспий» командасини 3:1 ҳисобида маглубиятга учраттач, турнир жадвалидаги ён қўшниси «Уралэнергомаш» командаси билан бўлган бахсда 1:3 ҳисобида ютқазиб қўйдилар.

ПЕШҚАДАМГА ХОС ЎЙИН

Ўзбекистон жисмоний тарбия институти қўл тўпи командаси мана бир неча мавсумдирки, олий лигага чиқишга ҳаракат қилмоқда. Командамиз уч марта зона ғолиби сифатида йўлланма учун кураш олиб борди. Лекин бу ўринишлар муваффақиятсиз тугади. Шундай бўлса ҳам командамиз мақсадидан чекингани йўқ. Тошкентлик спортчилар биринчи давраданг сўнг 19 очко билан жадвални бошқариб боришаётган эди. Краснодарнинг «Урожай» командаси эса ҳамшаҳарларимиздан уч очко орқадалар.

Пойтахтимиздаги қишлоқ хўжалиги институти спорт залида давом этаётган иккинчи давра ўйинларида тошкентликлар пешқадамларга хос ўйин кўрсатишмоқда. Улар уч учрашув ўтказиб, уччаласида ҳам ғалабага эришдилар. Бокунинг Армия спорт клуби командасини 37:33, Астраханнинг «Заря» коллективини 24:22 ва Олмаотанинг «Динамо» командасини 33:23 ҳисобида маглубиятга учратган тошкентликлар очколарни 25 тага етказдилар ва олий лигага йўлланма олишга асосий даъвогар бўлиб туришибди.

КИЧИК ЕРДА ЖАНГ ҚИЛГАН

— Қишнинг қаттиқ совуқлиги, катта қийинчиликлар, талофат ва душманнинг доимий хуружи жангчиларимиз руҳини асло пасайтира олмади. Аксинча, улар янада жипслашиб, худди туғишган акаукалардек ҳаракат қилар, Ватанимизнинг муқаддас тупроғини душман ғалаларидан тезроқ озод қилиш орзусида яшардилар. Буни мен уруш бошланган дастлабки кунлардан бошлаб Ғалаба кунигача бўлган фронт йилларимда кўрдим, бошимдан ўтказдим, — дея ҳикоясини бошлади собиқ 18-армия ветеранларидан бири Раззоқ ака Валиев.

Гвардиячи старшина Раззоқ Валиев Украина пойтахти Киевни гитлерчилардан озод қилиш учун бўлган оғир ва машаққатли жангларда қатнашди. Днепрнинг совуқ сувларини кечиб ўтди. Житомир, Ровно, Проскуров, Винница, Каменец-Подольск, Ковель, Тернополь, Черновици, Станислав, Драгобич ва Львов шаҳарларини, Польшани озод қилиш учун бўлган жангларда қатнашди.

Кунларнинг бирида у уч жангчи билан разведкага борди. Муҳим топшириқни амалга ошираётганларида фашистлар билиб қолди. Бу пайтда бошқа жангчиларимиз ҳам келиб қолиб разведкачиларимизга мадад берди. Раззоқ бошлиқ разведкачиларимиз тўртта фашистни асир қилиб, «тил» сифатида қисмларига олиб келишди. Бунинг учун Раззоқ ака ҳарбий қисм қўмондонининг ташаккурномасига сазовор бўлди.

Қирқ бешинчи йилнинг бошларида уларнинг бўлинмаси Биринчи Украина фронти жангчилари сафида душманнинг муҳим таянч пунктларини эгаллашда қатнашди. Март ойида Одер дарёсининг чап қирғоғидаги Глогау қалъа-шаҳарни олиш учун бўлган даҳшатли жанглар пайтида Раззоқ ака ярадор бўлди. Аммо қуролдош дўстларидан орқада қолмади. Қийин пайтларда унга тошкентлик дўсти Абдусаттор Худойбердиев мадад бўлиб турди. Раззоқ ака Валиев ҳам Абдусаттор Худойбердиевни ўз акасидек севди, машаққатли кунлардаги оғирчиликни бирлашиб енгишди, ўзининг бир бурда нони ёки қандини унга узатди. Улар армия сафидан ҳам бирга қайтишди, ҳамон дўстлари давом этмоқда, тез-тез кўришиб, фронт кунларини ёдга олиб турадилар.

Раззоқ ака Ғалаба кунини Берлинда кутиб олди. Гитлернинг қарорғоҳи бўлган машъум Рейхстаг деворига ўз қўллари билан «ТОШКЕНТ—БЕРЛИН» сўзларини битди. 1942 йил унинг хотирасида абадий сақланиб қолди. Ўша йили Раззоқ ака партия сафига кирди. 18-армия снёсий бошқармасининг бошлиғи Л. И. Брежнев имзо чеккан партия билетини қўлга олган куни. Кичик ер учун бўлган жангларда қатнашгани ҳамон кечагидек кўз ўнгида.

Раззоқ ака Валиев урушни Чехословакиянинг пойтахти Прагани озод қилиш билан тугатди. Уйга жанговар Қизил Юлдуз ордени, кўпгина медаль, ёрлиқ ва ташаккурномалар билан қайтди.

Тинч меҳнатни Раззоқ ака урушгача бўлган касби—савдо ходимлигидан бошлади. Ҳаллоллик, поклик, халққа сидқидилдан хизмат қилиш Раззоқ Валиевнинг бош иш мезони бўлди. Мана йигирма йилдан буён у ўзи директорлик қилаётган «Газмоллар уйи» магазинининг катта коллективини ана шундай руҳда тарбиялаб келмоқда.

Қ. АҲМЕРОВ.

ШИФОКОР

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

— Умар ака-а! Ҳо-о, Умар ака!!!

Қиз боланинг ярим тундаги чақириқ овозидан уйғониб кетган Умаржон пальтосини елкага ташлаб шошилганча эшикка чиқди. Пойгакда бир қиз ташвишли кўзларини унга тикиб қараб турарди. Умаржон уни дарров таниди. Шу қишлоқлик Турсуной опанинг қизи-ку?!

— Нима гап, Гулнора, тинчликми? — деди у ҳаворитда.

— Умар ака, бемаҳал безовта қилганим учун кечиринг. Оймларнинг тобилари қочиб қолди. Жуда безовталанаяпти.

— Ҳозир синглим, — деди Умаржон ва тез-тез юриб ичкарига кириб кетди. Сал ўтмай у қўлида қандайдир бир қутича билан қайтиб чиқди. Зимзиё тун бўлишига қарамай улар Турсуной Беркбоевалар уйига зудлик билан етиб келишди. Бемор оғриқнинг зўрлигидан анча мадорсизланиб қолганди.

Юрак хасталиги!! У айни вақти-соатида келган эди. Доим ўзи билан олиб юрадиган қутичасини очиб, ичидан зарур дори-дармонларни олди. Беморга укол қилди. Бир соатлар чамаси вақт ўтиб, Турсуной опа ўзига келди...

— Раҳмат, Умаржон ука, — деди бемор миннатдор кўзларини унга тикиб, — сира кам бўлманг!

Умаржон, «Менсан ҳам кўр мана бу қизингизга раҳмат айтинг», демоқчи бўлгандай онаси атрофида парвона бўлаётган Гулнорага ишора қилиб, кулиб қўйди.

Умаржон Бакировнинг Оққўрғон районидаги Октябрское қишлоғида жойлашган даволаш участкасида ишлай бошлаганига 21 йилдан ошди. Тошкент шаҳар медицина билим юртининг фельдшерлик бўлимини битириб келгандан бери у мана шу даргоҳда. Умаржон ўз касбига астойдил ихлос қўйган шифокорлардан, ўз устида ишлашни, билмаганларини сўраб ўрганишни севади.

Фельдшерлик-акушерлик пунктида Умаржон билан бирга ишлаётган Мария Тогаева, Бахтигул Кўчқинбоева, Умида Холбоевалар ҳам халқ саломатлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилишмоқда. Улар хизмат кўрсата ётган территорияда кўп аҳоли яшайди. Уларчинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида карточкалар очилган.

Мазкур пунктда медицина назорати яхши йўлга қўйилганлиги туфайли болалар орасида учрайдиган бўғма, кўкйўтал, полиомиелит, қизамиқ ва катталарда учрайдиган тиф, ичкетар касалликларининг деярли барҳам топиб кетганига ўн йилдан ошди.

— Биз 1979 йил халқаро болалар йилида элимиз ёш ўғил-қизлари саломатлигини янада яхшироқ муҳофаза этиш юзасидан зарур тадбирлар белгилаб чиқдик, — дейди Умаржон Бакиров.— Бунинг учун ота-оналар ўртасида турли медицина мавзуларида қатор лекция ва суҳбатлар ўтказишни мўлжаллаб қўйдик. Бундан ташқари кўргазмали агитация, доимий ва мавсумий боғчаларнинг санитария-гигиена аҳволига алоҳида эътибор берамиз. Яқинда эса пунктимиз қошида ёш ота-оналар университети очлик.

П. ЭРГАШЕВ.



Суратда: Умаржон Бакиров беморни қабул қилянти.

БОЛАЛАРНИНГ ИЖОДИЙ УЧРАШУВЛАРИ

Успенский номидаги республика махсус музика мактаб-интернати ёш пианиночи, скрипкачи ва виолончелистлари Чирчиқдаги ўз тенгқурлари ҳузурига меҳмонга жўнаб кетдилар. Тошкентликлар умумий таълим мактабларининг ўқувчилари ҳузурида концерт берадилар, музика санъати тўғрисидаги ижодий суҳбат кечалари ўтказадилар.

Ана шундай сафарлар музика мактабининг ўқувчиларни учун яхши анъана бўлиб қолди. Улар бу йил тенгқурлари ҳузуридагина эмас, шу билан бирга Фарғона водийсидаги, Тошкент областидаги саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг меҳнаткашлари ҳузурида ҳам махсус концертлар қўйиб бердилар.

(ЎзТАГ).

КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА УЙ ЭГАЛАРИНИНГ

ДИҚҚАТИГА!



ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯГА ЭХТИЕЖИ УНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЎПАЙТИРИШ БИЛАНГИНА ЭМАС, БАЛКИ УНДАН РАЦИОНАЛ ФОЙДАЛАНИШ БИЛАН ҲАМ ҚОНДИРИЛАДИ.

Энергияни рационал сарфлаш, яъниқса сутканинг кечки ва эрталабки соатларида мақсадга мувофиқ сарфлаш электр таъминотида кескинликни пасайтиради ва ёқилғини кўпроқ тежаш имконини беради.

ҲАР БИР ГРАЖДАН кундузи электр лампаларнинг бекуда ёнишига йўл қўймаслиги, бинодан чиқа туриб электр чироғини ўчириши керак.

СУТКАНИНГ ЕРУҒ СОАТЛАРИДА ТАШҚИ ЭЛЕКТР ЧИРОҚЛАРДАН ФОЙДАЛАНИЛСА, ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ОГОҲЛАНТИРИЛМАСДАН ЎЗИБ КЕТИЛАДИ.

«ЎЗЭНЕРГОСБИТ».

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
ЎЗБЕКИСТОН ССР ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ МИНИСТРЛИГИ БАЗАСИДАГИ
104-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1979—80 ўқув йили учун қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Юқори вольтли электр узатиш линияларининг электромонтёри, қозон агрегатлари бўйича машинист ёрдамчиси, турбоагрегатлар бўйича машинист ёрдамчиси, электрослесарь, иссиқлик-нучланиш ускуналари ремонти бўйича слесарь, электр пайвандчи (металл ва темир-бетон конструкциялари монтажчиси).

СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДАН ЗАПАСГА БУШАТИЛГАН ЙИГИТЛАР, ШУНИНГДЕК 10-СИНФНИ БИТИРГАН ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Машғулотлар қисқартилган программа бўйича 6—8 ой мобайнида олиб борилади. Ўқувчилар ҳар ойда 75 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида пул маблағи билан рағбатлантириладилар.

Билим юртини битирган ёшлар белгиланган формадаги аттестат оладилар ва Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг корхоналарига ишга юборилидилар.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш зарур: директор номига ариза, паспорт, ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат, таржимаи ҳоли, турар жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмдаги 6 та фотосурат, сўнгги иш-хизмат жойидан характеристика.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР ТУЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхонадан жой берилади. Тошкент шаҳрида яшайдиган ўқувчилар машғулотларга билим юрти автобусида олиб борилади.

Бизнинг адрес: Тошкент область, Оржоникидзе райони, ТашГРЭС поселкаси (Олой бозоридан 111, 115 автобусларнинг, «ТашГРЭС» бекати). Телефонлар: 62-12-16, қўшимча: 6-12, 3-18.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Асл йигитлар. 10.35 — «Оловли йўллар». Телевизион бадиий фильм, 3-серия. 11.40 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.40—15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.50 — РСФСР ашула ва рақс ансамблари ҳамда халқ рақс ансамблари кўригининг якунловчи концерти. 17.00 — Москва комсомолининг ишлари. 17.30 — Моҳир қўллар. 18.00 — Горичилар, қаердасиз? 18.35 — Халқаро болалар йилига. Бир ярим миллиард бола. 19.25 — Дунё воқеалари. 19.40 — Кувноқ нотолар. 19.55 — Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган тантанали йиғилиш. Бу мафтункор оҳанглар. ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театридан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида «Вақт».

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Биз қувноқ ва шодон яшаймиз. 12.00 — Ўзбекистонда болалар музикаси ҳафталигининг ёпилиши. 17.50 — Ўсмирлар иҳоди. 18.20 — Тежамкорлик — коммунистларга хос ҳислат. 18.35 — Ҳужжатли фильм. 18.45 — Ахборот. 19.00 — Шеърият билан учрашув. Гулчеҳра Нуруллаева. 19.35 — Ахборот. 19.55 — Москва. Халқаро хотин-қизлар куни 8 мартга бағишланган тантанали йиғилиш. Бу мафтункор оҳанглар. ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театридан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида «Вақт».

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00—Болалар учун фильм. Онамларга совға. 19.20 — Тошкент ва тошкентликлар. 20.50 — Янгиликлар.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/III да Концерт (12.00, 19.00), 9/III да Князь Игорь (12.00, билетлар сотилган), Совги қиз қисса (19.00, билетлар сотилган).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/III да Олтин девор, 8/III да Келинлар қўзғолони (11.00), Уйланиш (15.00), Кўрмайин босдим тиконни (19.30), 9/III да Ғариблар.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА 7/III да Тошкентнинг нозанин маликаси (19.00), 8/III да Пиллар ўтиб, 9/III да Тошкентнинг нозанин маликаси (15.00), Гулбаҳор қани?

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/III да Гўё мубоҳаза, қари қиз, 8/III да Кўзингни каттароқ оч (12.00), 9/III да Чандиқлар (19.00).

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН кўчаси, 41

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750
БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 12903. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2348.